

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ш.С.Шодмонова П.С.Эргашев**

**ҚИЁСИЙ ПЕДАГОГИКА**  
**(методик қўлланма)**

ТОШКЕНТ – 2005 й.

### **Аннотация.**

«Киёсий пелогогика» курси юзасидан ёзилган методик кўлланма бакалавр

1. Таълимда кенг кўламдаги ислохотдар амалга оширилаётган ҳозирги даврда бўлғуси талаба ва ёшларга, халқ таълими ходимларига, чет эл ўқитувчилари, чет эл таълими ҳақида кенгроқ маълумотлар бериш, улар тажрибаларини жорий этиш бўйича маълумот такдим этиш:

2. Таълим тизимининг ҳозирги замон ютуқлари билан жаҳон таълими тизими ютуқларини ўз иши фаолиятида педагогик технология сифатида қўллаш билиш, инсоннинг мафкуравий сифатларини шакллантира оладиган самарали методлардан хабардор бўлиш:

# 1 - МАВЗУ: ҚИЁСИЙ ПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ.

## Режа:

1. Қиёсий педагогика фанининг мақсади ва вазифаси.
2. Қиёсий педагогика ўқув предмети сифатида.
3. Қиёсий педагогиканинг тадқиқот методлари.

Қиёсий педагогика янги педагогик қонунларини очмайди, буюк педагогика фанлари ортирган илмий тажрибаларидан фойдаланиб, мамлакатлар гуруҳи асосида ҳозирги дунёда маориф тараққиётининг энг муҳим муаммоларини, қонуниятлари ва тенденцияларини ўрганади.

Қиёсий педагогика предметиға нисбатан ҳар хил қарашлар мавжуд. Айрим олимлар қиёсий педагогика асосий маърифий педагогик ҳодисаларни ҳамда уларнинг турли мамлакатларда конкрет тарихий шароитда ва ўзаро алоқада тадқиқ этади. (В.Канитц ва В. Макерт) деб ҳисоблашса, айримлар қиёсий педагогика маориф тизимлари ҳамда турли мамлакатларда таълим-тарбия муаммоларини тушуниш ва ҳал қилишдаги ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб беради. (П.Сухорольский) деб таъриф берадилар. Бир гуруҳ олимлар қиёсий педагогика ўз миллий таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида турли чет эл мактаб тизимларини қиёсий баҳолаш билан шуғулланади. (М.А. Жулен, Ж.Седлер, Р.Кинг-Холл) деган фикрдалар.

Қўрииб турибдики, қиёсий педагогика предмети жуда баҳсланувчан мавзудир.

Қиёсий педагогиканинг методологик асоси фалсафадир.

Қиёсий педагогика бир қатор ижтимоий фанлар фалсафа, тарих, иқтисод, сиёсат, социология, демократия, этнография ва бошқалар билан боғлиқ. Педагогик ҳодисаларни қиёсий таҳлил қилишда бу ижтимоий фанларнинг илмий концепциялари ва методларидан фойдаланиш муқаррар. Қиёсий педагогика тарихи ва назарияси билан узвий боғланган. Қиёсий педагогика – ўзига хослиги шундаки, унинг асосий тадқиқот методи қиёслаш методидир.

Қиёсий педагогика ўрганилган предмет: ҳозирги дунёдаги таълим ва тарбия назарияси ва амалиётнинг аҳволи, ривожланиши қонуниятлари ва тенденцияларининг умумий ва фарқли хусусиятлари.

Қиёсий педагогика вазифалари 1977 й Лондонда бўлиб ўтган қиёсий педагогика бўйича Бутунжаҳон конгрессида муҳокама қилинди. Қиёсий педагогика вазифалари қуйидагилардан иборат деб белгиланди.

1. Ҳозирги замонда таълим-тарбия назарияси ва амалиётига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва уларнинг турли мамлакатлар мактаби ва педагогика таъсири натижаларини қиёслаб таҳлил қилиб бериш;

2. Турли мамлакатлардаги маориф тараққиётининг энг актуал ва умумий муаммолари ва тенденцияларини аниқлаш.

3. Чет эл мамлакатларининг ижобий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш.

Қиёсий педагогика ва бошқа ёндош фанларда қўлланганинг тадқиқот методларидан фойдаланади.

1. Тавсифлаш методи турли мамлакатлардаги педагогик ходисаларнинг ташки белгиларини тавсифлашда қўлланади. Шу асосда кейин таққослаш ва таҳлил қилиш амалга оширилади.

2. Статистик метод маориф тизимига ва педагогик ходисаларга онд рақамлар ва маълумотларни таҳлил талқин қилиш ва баҳолашни кўзда тутали.

3. Тарихий метод педагогик ходисаларнинг инезисини таққослашни билдиради.

4. Социологик метод маориф системаларининг ижтимоий характерини баҳолашда қўлланади.

5. Аналитик методларга анализ, синтез, мавҳумлаштириш, индукция, дедекция каби мантиқий методлар киради.

Ҳозирги кунга қадар бир қатор мамлакатлардан (Белгия, Англия, Япония, Швеция, АҚШ ва бошқалар) қиёсий педагогика ўқув предмети сифатида илмий ходимлар педагог ўқитувчилари ва бўлгуси ўқитувчиларни чет элда ишлашга тайёрлашнинг зарур қисми сифатида ўқитилади. Курс ҳажми ҳар бир мамлакатда ўта ҳар хил (10 дан 100 соатгача) бироқ кўпчилик ҳолларда 30-40 соат лекциядан ва мамлакатлар гуруҳида таълимнинг аҳволи батафсил ўргатиладиган семинар машғулотидан, чет элга саёҳат танланган мавзулар бўйича мустақил ишлаш ва курс якунида доклад ёки ёзма имтихондан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимизда қиёсий педагогика ўқув предмети сифатида ўқитила бошлаган экан бу борада чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш лозим. Бошқача айтганда қиёсий педагогикани шакллантириб олиш учун қиёсий педагогика тадқиқотлар ўтказиш керак.

### **Саволлар.**

1. Қиёсий педагогика предмети мазмуни ва моҳиятини тушунтиринг.
2. Қиёсий педагогиканинг методологик асосларини айтиб беринг.
3. Қиёсий педагогиканинг вазифалари нималардан иборат.

## **2 - МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ҚИЁСЛАШ ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ.**

### **Режа:**

1. Педагогик қиёслаш фани тараққиётининг биринчи босқичи.
2. Педагогик қиёслаш фани тараққиётининг иккинчи босқичи.
3. Педагогик қиёслаш фани тараққиётининг учунчи босқичи.

Педагогик таққослаш педагогика фанлари тизимидаги нисбан янги соҳалардандир.

Педагогик таққослаш фани тараққиётининг биринчи даври XVIII аср охири 1917 йилни қамраб олади. «Қиёсий педагогиканинг отаси» Марк Антуан Жулын Парижский ҳисобланади. У ўзининг «Қиёсий педагогикага доир тадқиқотлар ҳақида очерк ва дастлабки мулоҳазалар» деган ишида (Париж 1817) хозирда барча мамлакатларнинг педагогик терминалогияга чуқур кириб

борган «Қиёсий педагогика» ва «Қиёсий тарбиялаш» терминларини биринчи бўлиб қўлади.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида маориф тизимини такомиллаштириш муаммоларига қизиқиш ва мактабни қиёсий ўрганиш зарурияти ортади. XIX асрнинг охирига келиб қиёсий педагогиканинг айрим назарий асослари ва амалий вазифалари ўз мамлакатдаги таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш учун фойдали тажрибани олиш мақсадида турли таълим системаларининг ижобий томонларини қайд этиш вазифалари белгиланади.

Айрим-олимлар маориф ишининг қўйилиши билан танишиш учун бошқа мамлакатларга бордилар. Бу саёҳатларнинг натижаларини нашр этиб, муаллимлар ўз миллий мактабини такомиллаштириш йўлларини кўрсатдилар. Сарбонадаги фалсафа профессори Виктор Кузен немис педагоглари Ц.А.Крузе, Фридрих Тирининг Америка педагоглари Г.Мани, Г.Бернард, К.Стоу, Турбер, А.Флекснернинг, инглиз педагоги М.Сэдлер ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Қиёсий педагогик тадқиқотлар Россияда ҳам анча ривожланди. Айниқса улуг рус педагоглари К.Д.Ушинский ва Л.Н.Толстойнинг ишлари катта эътиборга лойик.

Педагогик таққослаш тараққиётининг иккинчи даври 1917 йилдан 1945 йилгача булган даврни камраб олади. Бу даврдаги Қиёсий педагогика турли ижтимоий тузумдаги мамлакатлар уртасидаги ижтимоий иктисодий, сиёсий зиддиятларни акс эттирар эди.

20-30 йилларда қиёсий педагогика назарияси масалаларига бағишланган бир қатор ишлар ҳам эълон қилинди. Масалан, профессор И.Кэнди «Қиёсий педагогика соҳасидаги тадқиқотлар» (Бостон, 1933) йилдан қиёсий педагогиканинг аҳамияти, предмети, методларини қараб чиқади ва Англия, Франция, Германия, Италия, СССР ва АҚШдаги таҳлил системасини қиёслаб тасвирлайди.

Педагогик таққослаш тараққиётининг учинчи даври (XX асрнинг 40-йиллари охиридан hozirgi давргача) хусусиятлари, бир томондан халқаро сиёсий вазиятда юз берган муҳим ўзгаришлар билан иккинчи томондан фан ва техниканинг гурқираб ривожланиши билан белгиланади. Фан техника тараққиёти янада юқори малакага эга бўлган мутахассис ва умумий маълумот даражасини мутассил талаб қилади. Ушбу талабни қондириш учун 1945 й Парижда таълим, фан ва маданият бўйича БМТ нинг махсус ташкилоти – ЮНЕСКО тузилди. Бу ташкилот қиёсий педагогика соҳасида тараққиётлар учун керакли материаллар тўплайди, жаҳон мамлакатларида маорифнинг аҳволи ҳақида йилнома ва справочниклар нашр қилади, қиёсий педагогика муаммолари бўйича халқаро конференциялар уюштиради. Қиёсий педагогика жамиятлари ЮНЕСКО қошидаги халқаро бюро билан биргаликда квартал бюллетенини нашр этади (Женева). ЮНЕСКО учун қиёсий педагогиканинг назарий муаммоларини ишлаб чиқиш билан маориф бўйича халқаро бюро ва ЮНЕСКО – Гамбургдаги Педагогика институти (1951 й ташкил топган) шуғулланади.

1956 йил АҚШ қиёсий педагогика жамияти тузилди. У коллежлар ва университетларда қиёсий педагогикани ўрганди, қиёсий педагогика юзасидан илмий тадқиқотларнинг кенгайишига ва қиёсий педагогикага оид энг янги ахборотларни тарқатишга имкон яратади. Йиллик конференция ва кенгашлар ўтказлади. Монографиялар, тўпламлар ва «Қиёсий педагогика образи» журналини нашр этади.

1961 йил Лондонда Европа қиёсий педагогика жамияти ташкил қилинди. Унинг вазифалари қуйидагича: педагогикада қиёсий методни ривожлантириш, педагогика ўқув юртларида қиёсий педагогика курси ўқитишни кенгайтириш бошқа мамлакатлардаги қиёсий педагогика марказлари ва жамиятлар билан ҳамкорлик қилиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда Қиёсий педагогика муаммолари билан қуйидагилар шугулланади, Париж чеккасидаги Севр педагогик тадқиқотлар халқаро Маркази қошидаги француз тили зонаси қиёсий педагогикаси ассоциацияси, Европа қиёсий жамиятининг Европа мамлакатларидаги сенциялари, Испания, Бельгия, Канада, Австралия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги Қиёсий педагогика жамиятлари, Вибадендаги (Германия) Педагогик марказ, Франкфуртдаги халқаро педагогик тадқиқотлар институти, Зальцбург шаҳридаги (Австрия) қиёсий педагогика институти, Кюсю (Япония) университети, Токиодаги педагогик тадқиқотлар Давлат институтининг қиёсий педагогика бўлими, Чикаго университети қошидаги қиёсий педагогика институти, Калумбия, Кент, Гарвард, Индиан (АҚШ) Гамбург, Марбург, Бахум (Грихния) университетларининг қиёсий педагогика кафедралари, бўлимлари ва лабораториялари.

Кейинги йилларда таълим тизимлари ва таълим тарбиянинг айрим муаммоларини қиёсий педагогик тадқиқ этишга хийла кўпроқ эътибор берилмоқда.

### **Саволлар.**

1. Педагогик таққослашнинг биринчи тараққиёт даврини айтинг.
2. Педагогик таққослаш тараққиётининг иккинчи даври қайси йилларга тўғри келди.
3. Педагогик таққослаш тараққиётининг учинчи даври-чи.

### **3 - МАВЗУ: ЧЕТ ЭЛ ТАЪЛИМИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ.**

#### **Режа:**

1. Чет эл таълими тизимини ислох қилиш масалалари.
2. Ўқув дастурларини такомиллаштириш ва интеграциялашган курслари.
3. Ривожланган мамлакатларда меҳнат таълими ва касбга йўналтириш масалалари.
4. Таълим-тарбия жараёнида таълим табақалаштири йўллари.
5. Ривожланган мамлакатларда мактабларда ишлаш усуллари.

Таълим-тарбияда самарали ислохатларни амалга оширишни талаб этилаётган ҳозирги даврда чет эл тажрибасини ўрганиш айти муддаодир.

Ривожланган хорижий мамлакатларда таълим-давлат ички сиёсатига фаол таъсир этувчи ижтимоий жараён. Японлар «мактаб инсонларни яхшилайди» деб ҳисоблайдилар. Таълим соҳасига ғамхўрлик қилиш танқидан сиёсатчилардан доим диққат эътиборида бўлган. (Р.Рейган, М.Теччер, Ф.Миттеран ва б).

Ривожланган мамлакатлардаги педагогик тадқиқотлар ўқув дастурларини такомиллаштириш ва қайта қуришга қаратилган.

Мақтаб дастурларини ўзгартириш 2 асосий йўналишда амалга оширилади: экстенсив ва интенсив.

1-ўқув муддати узайтирилади, ўқув материаллари ҳажми кўпайтирилади.

2-мутлақо янги дастур яратилади.

Кўпчилик мутахассислар 2-йўлни маъқулроқ деб ҳисобламоқдалар.

Ўқув дастурларига маълум чекланишлар киритиш алоҳида предметларни ўрганиш кучайтириб, ўқувчиларни ортиқча «юк» дан ҳалос қилади. Бунга эришиш учун ўқув курслари интеграцияси талаб қилинади.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар ўқув дастурини интеграциялашган курсларни киритиш тўла дастурига интеграциялашган курсларни киритиш тўла амалга оширилди. (Францияда ўқув соатларидан 61% Б.Брит 15% ини интеграциялашган курслар ташкил этади.)

Интеграциялашган ўқув дастурлари ёндош ўқув курсларини ўзак предмет ва ғоя атрофида жипислаштиради, бу ўқувчиларга ижодий тафаккур юргизишга ёрдам беради. Лекин интеграциялашган ўқув курслари мутлоқ кўпчилик учун мўлжалланган бўлиб, улар таркибидаги фанлардан бири кимгадир жуда зарур бўлса, кимгадир унчалик эмас. Бу муаммони ҳал этиш ўқувчиларни у ёки бу курсга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун мактаблар алоҳида фанлардан чуқурлаштирилган курсларни ташкил этмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда меҳнат таълими ҳамда касбга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойик.

АҚШ да 1977 йил «Меҳнат фаолиятига тайёрлаш акти» қабул қилинган унга мувофиқ, масалан, коллежларда коллежлар қуриш, автомашиналарни таъмирлаш, компьютерларни йиғиш каби амалий фаолият амалга оширилади.

Францияда меҳнат таълими учун ажратилган соатлар 1,5 баробар оширилган. Буюк Британида 1973 йилги «Меҳнат таълими ва касбга тайёрлаш» актга биноан мактаб ўқувчилари бир қанча соҳалар бўйича мажбурий касб-кор дастурини ўзлаштирмоқдалар.

Меҳнат таълими билан бирга касбга йўналтириш ишлари ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда. Касбга йўналтириш дарслари барча ривожланган давлатларда мавжуд. Бу дарсларда меҳнат амалидаги ўзгаришлар, касб эгаси бўлиш шарт-шароитлари ўргатилади. Бундай дарсларни фан ўқитувчилари ҳамда махсус касбга йўналтириш ишлари бўйича маслаҳатчилар олиб борадилар. Бундан ташқари касбга йўналтириш консултация пунктлари

мавжуд бўлиб, улар юқори синф ўқувчилари ва ота-оналарига консултациялар ташкил этадилар. Бу пунктлар мактаб таркибига кирмайди. Булар ё хусусий, ё меҳнат биржалари тасарруфида бўлади.

Касбга йўналтириш ишларини ташкил этишда корхоналар амалга ошираётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Уларнинг штатли консултантлари мактабларда касбга йўналтириш бўйича кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борадилар.

Таълимдаги бир қатор муаммоларни пул тўлаб ўқиш, синфда ёки курсда иккинчи йилги қолдирилиши, имтихонларнинг ўта талабчанлик асосида ўтказилиши келтириб чиқарилмоқда. Масалан: Францияда бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчилари 650 та имтихон ва зачёти топширадилар. Имтихонлардан йиқилиш ўқувчиларнинг рухиятига қаттиқ таъсир этказаётган, ҳатто фохшалик оқибатларига олиб бораётган ҳолатлар учрайди. Бундай вазият ота-оналар, ўқитувчилар ўртасида кескин норизоликларни келтириб чиқармоқда.

Бундай вазиятда таълимни табақалаштириш энг долзарб масалага айланган. Одатда ўқувчиларни табақалаштириш чет давлатлар амалиётида бошланғич таълим курсидан кейин амалга оширилади. Масалан, Француз ўқитувчиларни ўқувчиларни қуйидагича табақалаштиради:

1. Гомогенлар – математика ва гуманитар йўналишда иш олиб борса бўладиган ўқувчилар.

2. Ярим гомоген-табiiий скелдаги фанларни ўзлаштиришга мойил ўқувчилар.

3. Гигерон – барча предметлардан ҳар хил савияда ўзлаштирадиган ўқувчилар.

Табақалаштиришнинг жараёнининг муҳим йўналиши – тўлдирувчи таълимни ривожлантириш. Тўлдирувчи таълим мактаб тарбия муассасаларида, мактаб ва лицейларда амалга оширилмоқда. АҚШга бу хизматга ОАВ имкониятлари ҳам жалб этилган. Миллий телекомпания махсус ўқув канали орқали 130 соатлик ўқув кўрсатувларини ташкил этди.

Ўқув жараёнини табақалаштириш муаммоларини тадқиқ этиш чет элда ҳамон давом этмоқда.

Ривожланган давлатларда иқтидорли болаларга эътибор тобора ортиб бормоқда. Иқтидорли болалар мактаблари ғарбда 60 йиллардаёқ пайдо бўлган. АҚШнинг айрим шаҳарларида олиё тоифали болалар боғчалари очилган, уларда 4-5 ёшли болалар мактаб дастури бўйича ўқитилади.

Шуниингдек, ақли заиф болалар учун ҳам махсус мактаблар ташкил этилмоқда.

Ривожланган мактаблар таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил ишлашига катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Германияда синф ўқувчилари сонини қисқартириш ҳисобига улар билан индивидуал ишлашни такомиллаштириш сари йўл тutilмоқда. Бунда ўқувчиларнинг ҳар бирига индивидуал пакетлар тарқатилади. Топшириқларни ўқувчи мустақил бажаради, лозим бўлганда ўқитувчилар консултация олади.



Шубҳасиз чет эл таълимидаги юқоридагидек ибратли жиҳатларни мамлакатимиз таълим тизимига олиб кириш мустақил республикамизда ўқув тарбия – ишларини ислоҳ қилиш жараёнини тезлаштиради.

### **Саволлар.**

1. Чет эл таълими тизимини ислоҳ қилиш масалалари ҳақида фикрингиз.
2. Ўқув дастурларини такомиллаштириш ва интеграциялашган курслари ҳақида нималарни биласиз.
3. Ривожланган мамлакатларда меҳнат таълими ва касбга йўналтириш ҳақида нималарни биласиз.
4. Таълим-тарбия жараёнида таълим табақалаштириб қандай амалга оширилади.
5. Ривожланган мамлакатларда мактабларда ишлаш усуллари ҳақида нималарни биласиз.

## **4 - МАВЗУ: ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ (4 соат). (1-Машғулот).**

### **II машғулот.**

1. Хитой таълим тизими ва ундаги муаммолар.
2. Ҳиндистон ва Индонезияда мустақиллик йилларида таълим тараққиёти.
3. Осие мамлакатлари таълим тизимларининг қиссий анализ қилиниши.

1. Саводсизлар миқдори, яъни 15 ёш ва ундан катта бўлган ёзишни ҳамда ўқишни билмайдиган кишилар миқдори Жанубий Осиеда жуда каттадир. Афғонистон ва Яманда саводсизлар миқдори 75% дан ортади. Баъзи жануби-ғарбий Осие мамлакатларида саводсизлар 50% дан бирозгина кўпроқ Бахрайн, Ливан каби давлатларда саводсизлар нисбатан оз бўлиб, улар аҳолининг 1/4 қисмини ташкил этади. Арманистон, Азарбайжон, Грузия каби жўғрофий жиҳатдан Осие қитъасига қирувчи давлатларда саводсизлар жуда оз. Мамлакатдаги саводсизлик даражаси, ҳеч-шубҳасиз, бу ерда таълим жараёнини йўлга қўйишдаги муаммо ва ютуқларни ўзида акс эттиради.

Шри-Ланкада саводсизлар тахминан 15% бўлса Жанубий Осиенинг бошқа мамлакатларида 15 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг 2/3 қисми ўқишни ва ёзишни билмайди. Болаларнинг катта қисми мактабларга бормайди. Бунинг сабаби ёки яқин атрофда мактабларнинг йўқлиги, ёки ўз оилаларига ёрдам бериш учун ишлашга мажбур бўлишларидир.

Жанубий Шарқий Осие давлатларидаги таълим қитъадаги бошқа давлатларидаги таълимдан ҳам сифати, ҳам камров доираси билан кескин фарқланади. Шунинг ифодасини Малайзия, Филиппин, Сингапур, Тайлан ва Вьетнамда саводсизлар 30% дан ҳам камлигида кўриш мумкин. Индонезия, Бирма Лаос давлатларида саводсизлар миқдори 39-45 % атрофида, Комбоджада 50% атрофидадир.

Осиё давлатлари бирин-кетин XX аср иккинчи ярмида мустақилликни қўлга киритгач баъзиларнинг ҳукуматлари янги мактаблар куриш, аҳоли саводхонлигини ошириш бўйича кўпдан-кўп чора тадбирларини амалга ошира бошлади. Натижалар ўзини узоқ куттириб қўймади. Масалан Индонезияда 1945 йилга келиб саводсизлар миқдори 90% ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг миқдори 33% гача камайган.

The world book encyclopedia 4-tom, 42-bet.

2. Японияда таълим-тарбия муаммолари.

Япония қонунчилигига биноан барча болалардан 6 йиллик бошланғич мактабни ва 3 йиллик ўрта мактаб қўйи босқичини тугатиш талаб этилади. Давлатга қарашли мактабларда ушбу 9 йиллик таълим жараёни бепул амалга оширилади. Бошланғич таълим ҳамда ўрта мактабнинг қўйи босқичи барча 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Япон болаларининг деярли барчаси мажбурий таълим тарбияларига кўра ўрта мактабнинг қўйи босқичини тамомлайдилар. Шу туфайли Япон катталарининг (15 ёш ва ундан катта бўлганларнинг) барчаси саводхон.

Бошқа мамлакатларидан фарқли равишда Япония мактабларида ўқиш 1 апрелдан бошланиб, келаси йилнинг 31 мартида ниҳоясига етади. Бошланғич ва ўрта мактабнинг қўйи босқичида ўқув йили 3 семестирга бўлинади: апрель-июль, сентябр-декабр, январь-март. Ушбу таълим босқичларида болаларга санъат, уй ишлари, Япон тили математика, этика, мусика, жисмоний тарбия, ижтимоий фанлар ўқитилади. Айниқса, инглиз ва бошқа Хорижий тилларни ўрганишга катта эътибор берилади. Ўқувчилар Япон тилида ёзишни ва Япон ёзувини ўрганишга кўп вақт сарфлайдилар. Чунки Япон тили анча мураккаб ва қийин.

Ўрта мактабнинг қўйи босқичидан кейин болалар ўрта мактабнинг юқори босқичида 3 йил таҳсил олишлари мумкин. Аммо таълимнинг бу босқичига болалар фақат имтихон билан қабул қилинади. Қабул шартлари анча мураккаб бўлса-да, ўрта мактабнинг қўйи босқичини тамомлаган болаларнинг 95% ўрта мактабнинг юқори босқичида таълим олади. Ушбу босқичда болалар коллежларга кириш ёки ишлашга тайёргарлик кўрадилар.

Японияда 460 та Университет мавжуд. Уларнинг энг каттаси Токиёдаги Нихон университети бўлиб, у 80.000 талабасига эга.

Ўрта мактабнинг юқори босқичини тамомлагандан сўнг махсус имтихонлар топшириб университетларга қабул қилинади. Ўрта мактабнинг юқори босқичини тамомлаган 38% ўқувчи Олий таълим муассасаларида таълим олишни давом эттиради.

Япон мактабларида болаларнинг турли таълимий кўникмаларини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Масалан, 2-синф ўқувчиси кўпчилик олдидан нутқ сўзлаш қобилиятига эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Японлар тўғри ва ҳалол турмуш тарзини қадрлайдилар. 1-синфдан 9-синфгача ахлоқий тарбияга жуда катта эътибор берилади.

The world book encyclopedia 4- tom, 42-bet.

3. Шимолий ва Жанубий Кореядаги таълим-тизимлари, уларнинг хусусиятлари.

XX аср 40-йилларининг охиридан бошлаб, Жанубий Кореяда ҳам Шимолий Кореяда ҳам таълим-тизимини такомиллаштириш учун махсус чоратадбирлар амалга оширила бошланди. Натижада саводхон Кореяликлар миқдори аср ўртасидаги 50% бугунги кундаги 90% гача етди.

Жанубий Корея қонунга кўра барча болалар бошланғич мактабларини битириши шарт. Бу ерда улар 6 йил таълим олишлари шарт. Ўрта мактаб эса Жанубий Кореяда ихтиёрийдир. У икки босқичда: қуйи ўрта синфларда ҳамда юқори ўрта синфларда амалга оширилади. Бошланғич таълим олгач, бола дастлаб қуйи ўрта мактабга (7-9 синфлар давомида) сўнгра юқори ўрта мактабга (10-12-синфлар давомида) боришлари мумкин. Ота-оналар болалар таълими учун давлатга қарашли ўрта мактабларга ҳам, хусусий ўрта мактабларга ҳам пул тўлашлари шарт. Шундай бўлсада, 12-17 ёшдаги болаларнинг 80% ўрта мактабларга борадилар. Ёшларни ишлаб чиқаришга тайинлайдиган техник таълим ўрта мактабдаёқ бошланади.

Мактабни тамомлагач, болалар коллежлари мумкин. Жанубий Кореяда жами 250 та коллеж мавжуд. Бу коллежлар кўплаб соҳа мутахассисларини етиштириб чиқаради. Жами 1 миллиондан ортиқ талабалар коллежлар, университетларда таълим олмоқда.

Шимолий Кореяда болалар 11 йил давомида мактабга қатнаши талаб қилинади. Бу давр боғча йилларини ҳам қамраб олади. Давлат барча таълим харажатларини қоплайди. Шу туфайли таълим олувчилар ёз фаслида муайян вақт давомида давлатга ишлаб беришлари зарур.

Шимолий Кореяда бошланғич таълим 1-4-синфларни, ўрта мактабнинг қуйи босқичи 5-10-синфларни қамраб олади. Ўрта мактабнинг юқори босқичидан кейин таълимни давом эттириш учун ёшлар комунистик партия ғояларига содиқликни намоён этишлари, уни қўллаб қувватлашлари керак. Ўрта мактабнинг қуйи босқичидан сўнг ўқувчилар 2 йил давомида ўрта мактабнинг юқори босқичида ёки умумий касбий мактабда ёки 3-4 йил техник мактабда таълим олиш мумкин. Ўрта мактабни ёки техник мактабни тамомлаган ўқувчилар коллежларга боришлари мумкин. Касбий мактабларнинг ўқувчилари эса коллежда ўқишдан аввал бир йиллик махсус курслардан ўтиши талаб этилади.

Шимолий Кореяда 1 та университет- Ким Санг 2 университети (Пхеньенг шаҳрида жойлашган) ва 200 дан ортиқ махсус коллежларга эга. Ҳар бир коллеж махсус соҳа мутахассисларини, (қишлоқ хўжалиги, муҳандислик, тиббиёт) етиштириб боради. Давлат катталарининг кечки таълимини, фабрика ва заводлардаги таълим курсларини маблағ билан таъминлайди.

Жанубий Кореяга малака ошириш мақсадида борган республикаимиз таълим ходимлари SIVAT КОМА марказида таълим тизими, саноат электроника, қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ машгулотларда иштирок етишди. Бу ҳақда гуруҳ раҳбари, Самарқанд тиббиёт коллежи директори Яхшинопов Аллаёров қуйидагиларни гапирди.

SIVAT касб-хунар таълими ва илғор технологиялар институти негизда ташкил етилган. У асосан Тинч океани минтақасидаги Осие давлатлари мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта таёрлашга хизмат қилади. Шунингдек, институтда Африка китъаси мамлакатлари мутахассислари ҳам асосан машинасозлик, информатика, электроника, санатқурилиши каби кўплаб ихтисосликлар бўйича малака оширадilar. Хозирча марказда 86-мамлакатдан 1700-нафардан зиёд киши малака оширган.

КОМА-Корея институти ресурсларини ривожлантириш агентлиги эса 1998-йилдан ўз фаолиятини бошлаган, у Корея меҳнат вазирлиги таркибидаги касб-хунар ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта таёрлаш, ишга жойлаштириш ҳада ишзисларни қайта таёрлаш билан шуғулланади.

У ерда врачлар Университетнинг тиббиёт факультетларида, тиббиёт институтларида таёрланади. Ўқиш муддати 6-йил бўлиб, унинг 3-йилида назарий илмлар ўрганилса, колган 3-йилида асосан амалий машгулотлар олиб борилади. Кореяда дарслар кўпроқ амалий машгулот тарзида ўтказилади. ҳамширалар университетларнинг 4-йиллик махсус факультетлари ватиббиёт коллежларида таёрланади. Кореяликлар хар-бир мутахассиснинг чуқур билим олишидан тортиб, иш билан таъминлашга эътибор берилади. Талабалар илмга чанқок, хар дакика ниманидир ўрганишга, билимдон кадр бўлиб етишишга интилади.

Колокликдан тезроқ чиқиб олишнинг енг тўғри йўли маърифат еканлигини жанубий Кореяликлар ўз вақтида англагандайди малака ошириш гуруҳи аъзоларидан Самарканд молия коллежи деректори Валикул Бердикулов.

1970-йилда у ерда миллий даромад аҳоли жон бошига 270- АҚШ долларини ташкил етган бўлса, 1995-йилга келиб, бу кўрсаткич жон бошига 11000-АҚШ долларига тўғри келди.

Жанубий кореяда таълим тизими мактабгача тарбия, бошлангич таълим, ўрта таълим ва юқори таълимга ажратилади. Юқори таълим гуманитар ва касб-хунар йўналишларига бўлинади. Касб-хунар йўналиши бизнинг республикамизда ташкил етилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари фаолиятига мос келади.

Машгулотлар билан танишиш учун инсон шаҳридаги мактаблардан бирига бордик.

Ўқувчилар амалий машгулотларни мактаб баъзасидаги станоклар, автомашиналар ва асбоблар воситасида ўтказилмоқда. Биргина мактабда 30-турли русимдаги автомобиль, 500-компютер мавжуд екан.

Мухими кореялик ўқувчилар биринчи галдаги вазифалари ўқиш еканлигини чуқур хис қилади. Илм олишдан вақт ўртасигина бошқа машгулотларга уринишлари мумкин. Хукумат ҳам аҳолининг иш ошиши, иш билан таъминланиши учун барча шароитларни яратиб берган.

### Саволлар.

1. Осие давлатларидаги таълим-тарбия борасидаги фикр мулоҳазаларингиз.

2.Осиё давлатларидаги саводсизлик муаммолари.

2.Японияда таълим-тарбия муаммолари.

3.Шимолий ва Жанубий Кореядаги таълим тизимларини тушунтиринг

## II-машғулот.

1.Хитой таълим тизими ва ундаги муаммолар.

Хитойликлар азадан таълимни қадрлайдилар, олимларни ҳурмат қиладилар. Хитойликларнинг ҳаётий ақидасига конфуцилик ғояларига кура одам таълим олишлари билан ўз-ўзини такомиллаштириб бориши мумкин. Хитойликлар таълим ва тарбия ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас деб биладилар. Чунки уларнинг ақидасига кўра таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсон характери ни шакллантиришдир. Хитойда конфуцилик таълимотиға садоқат шунчалар юксакки, ҳатто ҳокимият органига таълимотиға тайинланаётган номзодлар конфуцилик асослари бўйича махсус имтиҳон топишлари зарур.

Комунистик партия Хитойда ҳокимият теппасига келгач таълимдан ўз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мақсадлари йўлида фойдалана бошлади. Комунистлар ҳуқумдорлиги бошланғич, аҳоли саводхонлиги ошириш бўйича махсус дастурлар амалга оширила бошланди. Бугунги кунда 15 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг 70% ёзишни ва ўқишни билади.

Анъанавий тарзда Хитойда болалардан мактабга қатнаш талаб қилинмасди, яъни таълим мажбур эмасди. Аммо 1986 йили Хитойда махсус қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ болалар камида 6 йил давомида мактабга таълим олиши шарт. Шундай бўлсада, қонун ижроси баъзи жойларда айниқса, қишлоқ жойларида бироз кечикмоқда.

Хитой таълим соҳасидаги энг жиддий муаммо – асосий комунистик ғоялар билан мамлакат иқтисодини тез такомиллаштириш зарурати ўртасидаги зиддиятдир. Иқтисодни такомиллаштириш таълимнинг юксак сифатиға эга бўлишини талаб қилади. Таълим сифати ортиши учун эса иқтидорли, янгиликларға. Кашфиётларға қодир талаблар учун кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиш зарур бўлади. Ваҳоланки, комунистик ғояға биноян таълимда ҳам барча тенг бўлмоғи лозим. Ушбу ғоя 1949 йилдан буён жорий этиб келинмоқда бироқ сўнги йилларда таълимни ислох қилиш бўйича амалға оширилган бир қанча чора – тадбирлар натижасида эндиликда юксак қобилиятли талабалар махсус имтиҳонлардан ўтгач, мамлакатнинг энг ўқув юрларида ўқиш ҳуқуқини қўлга киритмоқда. Ўзининг бой имкониятлари билан ажралиб турадиган таълим муасасалари бошланғич мактаблар орасида ҳам, ўрта мактаблар ва коллежлар ўртасида ҳам мавжуд.

Хитойда болалар бошланғич мактабга 6-7ёшдан бориб,бу ерда 5-6 йил таълим оладилар. Мамлакат болаларининг (бошланғич мактаб ёшидаги) 95% бошланғич мактабларға борадилар. Бошланғич синфларда болаларға Хитой тили, география, тарих, математика, мусиқа, табиатшунослик, тасвирий санъат, жисмоний тарбия ва сиёсий таълим ўргатилади.

Бошланғич мактабни тамомлагач, болалар ўрта мактабга боришлари мумкин. Қуйи ўрта мактабга боришлари мумкин. Қуйи ўрта мактабда таълим 3 йил, юқори ўрта мактабда эса 2 ёки 3 йил давом этади. Ўрта мактабда бошланғич синфлардаги кўпчилик фанлар ҳамда биология, химия, физика,

хукукшунослик, инглиз ва бошқа хорижий тиллар ўқитилади. Проффессионал ва техник ўрта мактабларда, шунингдек. Қишлоқ хўжалиги асослари. Индустриал технология ва бошқа ихтисосликка оид фанлар ўқитилади. Хитойлик болаларнинг 2/3 қисми ўрта мактабда таълим ола бошлайди, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўқишни якунига етказмайди.

Олий ўқув юртларига кириш учун ёшлар махсус имтихонлардан ўтишлари керак. Имтихонлардан ўтган ёшлар талабалар қаторига қабул қилинади. Университетларда ўқитиладиган асосий фанлар: иқтисод, хорижий тиллар, математика, тиббий ва гуманитар фанлар имтихонлардан ўтган ёшларнинг бир қисми техник коллежларда қабул қилинади. Ҳар бир коллеж ўз ихтисослигига эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, тиббиёт, тоғ-конлиги ёки ўқитувчилик каби йўналишларда мутахассис тайёрлайди. Кўпчилик мактаблар тегишли соҳа вазирилик (масалан, тиббиёт йўналишидаги техник коллежлар тиббиёт вазирилик томонидан) бошқарилади.

Хитойда жами 1,000 га яқин олий таълим муассасалари мавжуд. (университет ва коллежлар). Улардан 1, 700 000 (1 миллион 700 минг) талаба тахсил олмоқда. Олий таълим олишни истаган ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Аммо факультетлар ва имкониятлар етишмаслиги боис ёшларнинг оз қисмигина олий таълим жараёнига жалб этилмоқда.

Кириш имтихонларидан ўта олмаган ёшлар «киши университетлар» деб аталамиш қисқа муддатли курсларда таълим олишлари мумкин. Ўрта мактабни ташлаб кетган ёшлар эркин вақт ўрнатиладиган махсус мактабларда ёки телевизион курслар орқали таълим олишни давом эттиришлари мумкин. Хитойда маориф соҳасини ислоҳ қилиш

Янги 1997 йилнинг янги ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар ҳисобига, яъни тўла равишда пуллик асосда амалга ошириладиган бўлди. Ушбу ўзгариш фақатгина олий ўқув юртларида таълим олиш жараёнини ислоҳ қилиш эмас, балки бутун маориф соҳасини янги ва замон талабига мос ҳолда йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Хитой мутахассисларини айтишларича, бу ислохот Хитойда сўнгги 40 йил давомида амалга оширилган маориф ишларини натижаси ва шу узоқ давр давомида қўлга киритилган тажрибаларнинг якуни ҳисобланади. Хитой матбуотида келтирилган маълумотларга кўра бу тасодифий воқеа эмас. Бинобарин бундай ўзгариш сўнгги бир неча йил давомида 37 та олий ўқув юртларида ўтказилган тажрибаларга асосланади. Мазкур тажрибаларга асосланади. Мазкур тажрибаларга кўра айрим олий ўқув юртларида ўқитиш жараёни талабалар томонидан тўланган маблағнинг бир қисми айрим ҳолларда ташкилотлар, хусусий ва хорижий компанияларнинг олий ўқув юртларига пул ўтказиши ҳисобига, иккинчи бир қисми эса ота-оналар томонидан тўланган нақд пул ҳисобига шаклланади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ота-онаси пул тўлашга қодир бўлмаган ва ўқиш пулини тўлашни ўз зиммасига оладиган ташкилотни тополмаган йигит-қизлар пуллик олий ўқув юртига кира олмаганлар. Улар ҳукумат маблағи асосида ўқитиладиган университет ва институтларга ўқишга киришга ҳаракат қилганлар. Натижада бундай олий даргоҳларга кириш танлови ниҳоятда баланд бўлиб кетган. Бу

аҳвол айрим қонундан чекиниш ҳолатларига қулайлик туғдирган ва ўқиш сифатига салбий таъсир кўрсатган. Пуллик олий ўқув юртларида эса ўқиш жараёнининг сифати ошган. Ижобий натижаларга эришган пуллик университетларда «ёмон қилса ҳам пул тўласа, ўқишни давом эттириш мумкин» деган тамойил асос бўлмай, балки талабаларга қўйилган талабалар кучайтирилган. Шу билан бирга олий ўқув юртларида ўз ҳисобидан ўқийдиган талабаларнинг моддий аҳволини энгиллаштириш ва уларнинг ўқишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида пуллик ўқиш жараёнини амалга ошираётган ўқув даргоҳларида ҳукумат маблағи асосида янги мукофот ва ёрдам жамғармалари ташкил этилди.

Масалан: «Женьмен жиabo» газетасининг 1997 йил 29 август сонидан келтирилган маълумотларга кўра, 1994 йили шу мақсад учун давлат томонидан 200 млн юань маблағ ажратилган. Мазкур жамғармалар ҳисобидан яхши ўқиган ва моддий томондан қийналиб қолган талабаларга мукофот ва ёрдам берилган. Амалиётда бунинг ҳисобига талабалар томонидан тўланган пулларнинг бир қисми қайтарилган. Аммо бундай фондлардан фойдаланиш жиддий назорат остида амалга оширилиб, талабаларга ялпи ҳолда озгинадан бўлиб бериш, таниш-билишликка йўл қўйишнинг олдини олишга қаратилган чора тadbирлар ишлаб чиқилган. Айрим маълумотларга кўра, ушбу сиёсатни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, бунда қонунбузарликка йўл қўйилган воқеалар ҳам учрайди. Аммо бундай ҳоллар вақти-вақти билан ҳукумат комиссиялари томонидан текшириш ҳисобига фош этилган ва уларни қайд этилишининг олди олинган. Бир неча йиллик амалиёт шуни кўрсатадики, Пекиндаги Цинхуа, Бейжин, Хитой халқ университетлари Ухань шаҳридаги Ухань университетларида пуллик асосда таълим олаётган талабаларни мукофотлаш жамғармаси, университетларнинг турли ишлаб чиқариш соҳаларига, кўрсатган хизмати, жумладан китоблар нашр этиш, уйларга бориб ўқитувчилик қилиш, ёзма ва оғзаки таржима ишларини, компьютерда ишлашни ўргатиш, ташкилотларга компьютер ёрдамида хизмат кўрсатиш каби ишларни ташкил этиш эвазига олинган хизмат ҳақидан келган даромадлар, чет элдан (олинган хизмат ҳақидан келган даромадлар) хайрия сифатида олинган даромадлар ҳисобига кўпайтирилган. Айрим университетларда мукамал билимга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш ва хорижий мамлакатлар билан ўрнатилган алоқаларни ривожлантириш, айниқса чет эллик талабаларни ўқитиш ишларини йўлга қўйиш ҳисобига қўшимча маблағга эга бўлган. Бундай маблағларнинг бир қисми ана шундай жамғармаларни кўпайтиришга ишлатилган. Юқорида тилга олинган газетанинг кўрсатишича бу йилдан бошлаб олий ўқув юртида ўқийдиган талаба ойига 2000 юань атрофида ўқиш пули тўлайди. Ўқиш пулини тўлай олмайдиган оилалар фарзандларига илм олишлари учун айти пайтда ХХР ҳукумати янги чора тadbирларни амалга оширишни режаламоқда. Ҳозирги мавжуд бўлган ҳукумат ҳисобидан олий ўқув юртларида ўқиш тизимига кўра, ҳар бир талабанинг йиллик ҳаражати 10 минг юаньга (1280 АҚШ долларига) тенг. Давлат таълим қўмитасининг ахборотига кўра, айти пайтда ХХР да 1050 та олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб, буларда жами 1 млн талаба таълим олади. Ўрта ҳисобда уларнинг 15-20 % ёки 450 минг талаба ноқонунадан халир янги

Ўқув тизимига ўтилган бир даврда буларнинг ҳаражатини қоплаш ҳукумат олдида турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ўқиш пулини тўлашга қодир бўлмаганлар ҳукуматдан қарз олиши мумкин. Қарз олган талаба ўқишни тугаллагандан сўнг ўз вақтида қарзини фоиз ҳисобида қайтариш шарт. Агар бундай талаба ўқишни тугаллагандан кейин ҳукумат кўрсатган жойга бориб ишлашга рози бўлса, унинг қарзи камайтирилиши ёки кечиб юборилиши мумкин. Бу қарздор бориб ишлайдиган компаниянинг имкониятларига боғлиқ.

2. Ҳиндистон ва Индонезияда мустақиллик йилларида таълим тараққиёти.

### **Ҳиндистон.**

Мустақиллик йилларида ўқишни ва ёзишни биладиган инсонлар сони икки баробар ўсди. Бунга 1951 йил қабул қилинган ва изчил амалга оширилиб борилаётган махсус давлат дастури ҳисобига эришилди. Ҳукумат мактаблар қурилишига, ўқитувчиларни тайёрлашга ва мактабларни китоблар, ўқув материаллари билан таъминлашга катта пул маблағларини сарф қилди ва сарф этиб келмоқда.

Мамлакат қонунига биноан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар текин таълим олиш ҳуқуқига эга. Ушбу ёшдаги болаларнинг тахминан 85% 5-синф гача қатнайдилар. Бироқ 6 синфдан бошлаб то 10-синфгача қатнайдиганлар сони 35% га тушиб қолади. Қишлоқ жойларда ёрдам бериш учун ишга қирадилар. Шунга қарамай ҳиндистондаги барча мактаблар ўқувчилар билан тўлиб-тошган. Ҳиндистонда 4,8 50дан ортиқ коллеж ва университетлар бор. 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган ёшларнинг тахминан 4% олий ўқув юртларида таҳсил оладилар.

### **Индонезия.**

1945 йилларда келиб 10% дан ҳам озроқ Индонезияликлар ўқишни ва ёзишни билардилар. Ҳукумат аҳолининг саводхонлигини ошириш учун махсус дастурлар қабул қилди. Бу дастурлар изчил амалга оширилиши натижасида бугунги кунда 15 ёш ва ундан катта бўлганларнинг 65% ёзишни ва ўқишни билади. Ҳукумат мактабларини ўз қарамоғида асрайди ва хусусий мактабларга ёрдам беради.

Қонунга мувофиқ болалар 6 йил давомида бошланғич таълим олишлари шарт. Бошланғич таълим 8 ёшдан бошланади. Индонезиянинг айрим ҳудудларида мактаблар, ўқитувчилар ёки дарсликлар ентишмайди. Бироқ мамлакатдаги бошланғич таълим ёшидаги барча болалар мактабга қатнайдилар. Индонезия ўрта мактабларида таълим 3 йил давом этади. Ўрта мактаб ёшидаги 40% болаларнинг мактабга таҳсил олиши эътиборга лойиқ.

1945 йилга қадар Индонезияда бор йўғи бир неча коллеж мавжуд эди. Университетлар эса умуман йўқ эди. Давлат мустақиллиги эълон қилинганч, бирин-кетин 50 га яқин давлат университетлари ва хусусий олийгоҳлар ташкил этилди.

3. Осиё мамлакатлари таълим тизимларининг қиёсий анализ қилиниши.

Турли Осиё мамлакатларининг таълим тизимларига, умуман таълим соҳасига хос хусусиятларини, муаммоларни янада аниқроқ идрок этиш.



фарқлаш учун педагогик таққослаш фанининг фақатгина тавсифлаш ёки тарихий методларидан фойдаланишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ушбу методлар билан бирга педагогик таққослашнинг асосий методи бўлган қиёсий таҳлил методидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Турли мамлакатларнинг таълим тарбия соҳасидаги муаммолари ўзаро қиёслансагина уларнинг ёриши ва ўхшаш томонларини чуқур англаб этиш мумкин бўлади.

Шунга мувофиқ ушбу мавзу якунида биз тавсифлаб берилган Осиё мамлакатлари таълим тизимларига хос хусусиятларини айрим мезонлар асосида жадвал воситасида қиёслаб кўрдик. Натижа қуйидаги жадвалда келтирилди.

Мезонлар. Мамлакатлар.	Япония	Шимолий Корея	Жанубий Корея	Хитой	Ҳиндистон	Индонезия
Бошланғич таълим бериладиган ёшлар.	6-14	6-10	6-12	6-7-12-13	6-14	8-14
Ўрта таълим синфлари	қуйи босқич 6-9 синфлар юқори босқич 9-12 синфлар	5-10 синфлар	қуйи босқич 7-9 синфлар юқори босқич: 10-12 синфлар.	қуйи босқич 6-9 синфлар юқори босқич 9- 11 ёки 12 синф.	6-10 синфлар	6-9 синфлар
Ўрта таълимга жалб этилган ўқувчилар миқдори (барча шу ёшдаги болаларнинг миқдори 100% деб олинган).	қуйи босқич: 100% юқори босқич: 95%	100%	80%	60%	35%	40%
Олий таълим муассасалари	260 та университет, техник коллеж-лар.	1 та университет, 20дан ортик коллеж.	250 та коллеж ва университет лар	1.000 та коллеж ва университет лар.	4.850 та коллеж ва университет лар.	50 та давлат университет и хусусий олийгоҳ- лар.
Ўзига хосликлар	Ўқув йили апрел ойдан бошлана-ди.	Ўқувчилар ёз фаслида муайян вақт давомида давлатга ишлаб берадилар.	Давлат ўқув муассасалар ида ҳам пул туланади.	Ахлоқий тарбия юксак кадрлана- ди.	Мактаб-лар болалар билан тўлиб кетган.	Бошланғич таълимга болалар 100% жалб этилади.

## 5 - МАВЗУ: АФРИКА ДАВЛАТЛАРИДА ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ.

Режа:

1. Африка қитъаси мамлакатларининг таълим муаммоларига хос умумий хусусиятлари.
2. Жазоир ва Ҳабашистонда таълим муаммолари, уларни ҳал этишда қўлга киритилган ютуқлар.
3. Заир ва Марокаш таълим-тизимидаги муаммолар.
4. Африка давлатлари таълим муаммоларини ўзаро таққослаш воситасида ўрганиш.

1. Африка аҳолисининг сони ва ҳудуди жаҳатидан дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. У ўз ичига 53 та мустақил давлат ва бошқа маъмурий сийёсий бирликларини олади. Бугунги кунда бу қитъада 705.000.000 дан ортиқ аҳоли яшайди.

Мустамлакачилик даврида Африка мамлакатларида Европаликлар кўплаб мактабларни ташкил этдилар. Аммо улар асосан бадавлат оилаларининг фарзандларини ўқитар эди. Шу туфайли катталарнинг 1/3 қисмигина ёзишни ва ўқишни билади. Африка давлатларининг ҳукуматлари кўпроқ мактаб куриш ва таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобига таълим соҳасидаги вазиятни ўнглашга ҳаракат қилмоқда. Бироқ бир қатор муаммолар аҳолининг тез суратлар билан ўсиши, таълим учун тўланадиган ҳақнинг доим ўсиб бориши, кўп жойларда малакали мутахасссларнинг етишмаслиги, таълим тараққиётига тўсқинлик қилмоқда.

Узоқ вақт давомида Африка давлатлари Европа давлатларининг мустамлакаси бўлгани боис ҳали ҳам кўпчилик мамлакатларда таълим инглиз, француз, португал тилларда олиб борилади. Кўпчилик ўқимишли Африкаликлар бирор бир европа тилида сўзлаша олади.

Бир неча юз йиллар илгари ~~мусулмон~~ уламолари, Сархон-Кабр чўлининг чеккаларида илк мактабларини ташкил этган эдилар. Бу мактабларда ислом дини, араб тили ва айрим илмий фанлар ўқитилар эди. Аммо мактаблар кўпчилик Африкаликларнинг таълим олишини таъминлай олмасди. Ота-оналар ўз фарзандларига ижтимоий ҳаётга зарур бўлган нарсаларнигина ўргатиш билан кифояланардилар. ғарбий Африканинг айрим ҳудудларида болалар устахоналарга шогирд бўлиб тушар эдилар. Бу ерда улар темирчилик, уймакорлик, кулолчилик ёки тўқувчилик касбларига ўрганар эдилар.

Христиан миссионерлари ўзлари кўчиб келган даврданок Африкаликларга ўқишни ва ёзишни ўргата бошлаган эдилар. Аммо таълим соҳасидаги ҳақиқий тараққиёт XX асрдан бошланди. Унинг сабаби Европалик мустамлакачилар ушбу даврдан Африкаликларни ҳукумат ишига ва ишлаб чиқариш жараёнига кенгрок жалб эта бошлашдир. Бугунги кунда кўпчилик Африка давлатларининг ҳукуматлари янги мактаблар куришга, таълим жараёни камровини кенгайтиришга интилоқдалар. Аммо ҳаликача таълим соҳасига кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ҳалигача Сахрои Кибрнинг жанубий қисмида яшовчи африкаликларнинг бор йўғи 25% ёзишни ва ўқишни билади. ~~Буркина-Фасо~~ Мали, Сенегал каби давлатларда бу кўрсаткич умуман 10% ни ташкил этади. Кўп жойларда айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар, ўқув материаллари, малакали ўқитувчилар етишмайди. Деярли барча мамлакатларда болаларнинг катта қисми мактабларга бормайди ёки уларни эрта тарк этади.

2. Жазоир ва Ҳабашистонда таълим муаммолари, уларни ҳал этишда кўлга киритилган ютуқлар.

Жазоир-Африка шимолидаги катта мамлакат. Пойтахти-жазоир, давлат тили-араб, тўлиқ аҳолиси –28.000.000.

Жазоир ҳукумати йилдан-йилга таълим соҳаси ислоҳатлари учун тобора кўпроқ маблағ сарф этса-да, ҳалигача 15 ва ундан катта ёшдагиларнинг ~~тобора~~

кўпроқ маблағлар сарф этса да, ҳалигача 15 ва ундан катта ёшдагиларнинг 45% гина ўқиш ва ёзишни билади. Жазоир қонунларига қўра барча 6 дан 15 ёшгача бўлган болалар мактабда таълим олиш шарт. Ушбу талабга мувофиқ 90% дан ортиқ болалар бошланғич мактабга борадилар. Бироқ уларнинг фақатгина 1/3 қисми ўрта мактабларда таълим олишни давом эттиради. Мамлакатдаги энг катта университет Жазоир университети бўлиб, у 17.000 талабага таълим беради.

Ҳабашистон (Нигерия)-Африканинг ғарбий қирғоқларида жойлашган давлат. Ҳабашистон аҳолисининг сони жаҳатидан дунёда 10-ўринда, Африка қитъасида 1-ўринда туради. Мамлакатда 102 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди.

Ҳабашистонлик катталарнинг 1/3 қисмигина саводли Мамлакатда мактаб ва ўқитувчилар етишмайди. Шунга мувофиқ қонун ҳам таълим олишни мажбуриятга айлантирмаган, яъни мамлакатда мажбурий таълим мавжуд эмас 15 миллион болаларгина бошланғич мактабларга борадилар. Шуларнинг фақатгина 3,5 миллион ўрта мактабларда таълим олишни давом эттиради. Ҳабашистонда 25 та университет мавжуд.

1975 йилда Ҳабашистон ҳукумати барча хохловчиларни бепул бошланғич таълим билан таъминлаш бўйича махсус дастур қабул қилинган Шунга мувофиқ мамлакатда кўплаб янги бошланғич мактаблар қурилди. Шунингдек мамлакатда янги-янги педагогик, техник институтлар, профессионал мактаб ва университетлар қурилди.

3. Зоир ва Марокаш таълим тизимидаги муаммолар.

Зоир-Марказий Африкадаги йирик давлат. Пойтахти-Киншаса, давлат тили-француз тили: 6 ёшдан 12 ёшгача барча болалар мактабга боришлари шарт. Бироқ кўпгина жойларда мактаб ва ўқитувчиларнинг етишмаслиги боис қонун талаблари ҳаётда амал қилмаяпти. Шунга қарамай кўпчилик ота-оналар таълимни фаровон ҳаёт асоси сифатида қадрлайдилар. Бошланғич мактабларга борадиган болалар сони 1960 йилда 65% ни ташкил этган бўлса, бутунги кунга келиб бу кўрсаткич 75% гача ўсган. Худди шу давр ичида ўрта мактабда олувчилар миқдори 1% дан 50% гача ўсди. Лекин ҳалигача Зоирнинг узоқ қишлоқ жойларидаги мактабларнинг ўқув моддий баъзаси ночор аҳволда. Шу боис бўлса керак, ҳар йили турли кириш имтихонларида қишлоқлардан келган абитуриентларнинг кўпчилиги муваффақиятсизликка учрайди.

Зоирда 3 та йирик университет мавжуд. Шунингдек бир қанча ихтисослашган институтлар фаолият кўрсатмоқда. Университетларда 16 минг институтларда эса 25 мингга яқин талаба таълим олмақда.

Марокаш-Африканинг Шимоли-ғарбдаги давлат. Пойтахти-Работ давлат тили – араб тили: расмий номи – Марокаш, аҳолиси –27,5 миллион.

Марокашда бепул бошланғич ва ўрта таълим олиш қафолатланади. Таълим жараёни араб ва француз тилларида олиб борилади. Болалар 7 ёшдан 13 ёшга қадар мактабда таълим олишлари мажбурий. Бироқ ушбу ёшдаги болаларнинг фақат 70% гина мактабларга борадилар. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич янада пастроқдир. Чунки бу ерларда мактаблар ва ўқитувчилар жуда кам. Бундан ташқари кўпчилик қишлоқ болалари уйда қолиб ўз оилаларига уй-рўзгор ишларида қарашадилар. Кўпчилик ота-оналар

қизларнинг таълим олишга катта эътибор билан қарамайдилар. Шу туфайли бўлса керак марокашлик катталарнинг бор йўғи 20% ёзиш ва ўқишни билади.

Марокашда 6 та университет ва 25 та коллеж ҳамда техник мактаблар мавжуд. Мамлакатдаги энг катта университет Роботдаги Муҳаммад 5 университети бўлиб, унда 27.000 талаба таълим олади.

4. Африка давлатлари таълим муаммоларини ўзаро таққослаш воситасида ўрганиш.

Турли мамлакатлар таълим тизимидаги муаммоларни ўзаро таққослаш орқали ўрганиш анча самаралидир. Чунки бунда турли мамлакатлар таълим соҳасидаги фарқлар ва ўхшаш томонлар янада аниқроқ равшанроқ намоён бўлади. Шунини эътиборга олиб биз ушбу мавзу якунида Африка мамлакатлари таълим тизимларига, таълим соҳасидаги муаммоларига хос хусусиятларни ўзаро қиёслашга ҳаракат қилдик. Натижалар қуйидагидек схемаларда ўз ифодасини топди.

Мезон	Африка давлатлари			
	Жазоир	Ҳабашистон	Заир	Марокаш
Мажбурий таълим	6-15 ёш	Мажбурий таълим мавжуд эмас	6-12 ёш	7-13 ёш
Бошланғич таълим олувчилар миқдори	90%	15 млн	75%	70%
Таълимни давом эттирувчилар миқдори	30%	23%		
Ўзига хосликлар			қишлоқдан келган абутурентлар кўпчилиги имтиҳонлардан ўтолмайди	қизлар таълимига эътибор етарлиги эмас.

Ушбу жадвалдан кўришиб турганидек, Африка қитъасидаги давлатларнинг таълим соҳасидаги кўпгина муаммоларни умумий характерга эга. Шу билан бирга муайян фарқларнинг мавжудлиги ҳам аниқ кўришиб турибди.

#### Саволлар.

1. Африка қитъаси мамлакатларининг таълим муаммолари ҳақида фикрингиз.
2. Жазоир ва Ҳабашистонда таълим муаммолари, уларни ҳал этишда қўлга киритилган ютуқларни айтиб ўтинг.
3. Заир ва Марокаш таълим-tizимидаги муаммоларни санаб ўтинг.
4. Африка давлатлари таълим муаммоларини ўзаро таққосланг.

## 6 - МАВЗУ: ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ, УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.

### Режа:

1. Европа мамлакатларида таълим-тарбия муаммоларининг умумий характеристикаси.

2. Германия ва Франция давлатларининг таълим тизими, унинг структураси ва характерли томонлари.

3. Белия ва Швеция давлатларининг таълим муаммолари, уларнинг ҳал этилиши.

4. Европа мамлакатлари таълим тизимига хос хусусиятларнинг қиссий ўрганилиши.

1. Европа мамлакатларида таълим-тарбия муаммоларининг умумий характеристикаси.

Европа – ғарбий цивилизациянинг бешигидир. Европа 17 та катта-кичик давлатни ўз ичига олади. Улар орасида энг каттаси Россия , энг кичиги Ватикан.

Европаликлар дунёдаги энг ўқимишли одамлар бўлиб ҳисобланади. Европада саводхонлик даражаси ниҳоятда юқоридир. 90% дан ортиқ кишилар ёзишни ва ўқишни билдилар. Фақатгина Европанинг тўрт давлатидан бу кўрсаткич бироз пастроқдир. Бу давлатлар: Албания, Мальта, Португалия ва Туркия.

Европа давлатлари таълим тизимларига хос хусусиятлар бир биридан анча фарқланади. Масалан, Португалияда болалар мактабга 6 йил боришлари шарт бўлса, Белгияда мажбурий таълим 12 йил давом этади. Францияда таълим тизими бошқаруви жуда марказлашган бўлса, Швейцарияда таълим маҳаллий ҳокимиятлар томонидан бошқарилади.

Ғарбий Европадаги Шимолий мамлакатларнинг кўпчилигида-Буюк Британия, Норвегия, Швецияда кўпчилик болалар 15-16 ёшгача бир хил таълим оладилар. Бу ёшга етгач, баъзи болалар мактабни тамомлаб, профессионал мактабга боришлари, бошқалари коллежга тайёргарлик кўриш учун назарий билим олишни давом эттириш мумкин.

Таълим сифати Европа жанубига нисбатан ишлашда юқоридир. Греция, Португалия, Болгария ва Албания сингари жануб мамлакатлари Шимолий давлатларга нисбатан камбағалроқ. Шунинг учун, улар ўз мамлакатлари таълим тараққиётининг узлуксизлигини таъминлашга қодир эмаслар. Бу мамлакатларда болалар ўзларининг шимолдаги тенгдошларига нисбатан оз муддат давомида мактабга борадилар. Улар, шунингдек, илмий ва техник билимларни нисбатан оз эгаллайдилар. Жанубий Европа мамлакатларида ҳалигача черковнинг таълимга таъсири сезиларли даражада юқори.

XX асрнинг 80-йиллари охирига қадар Шарқий Европа мамлакатларида коммунистик партиялар таълим жараёни устидан мутлоқ ҳуқумронлик

Ўрнатган эдилар. Мактабларда коммунистик гоёлар ўқитиларди, диний таълим эса, умуман ман этилган эди. Ҳозир ҳам Шарқий Европа мамлакатларининг аксариятида ҳукумат таълим тизимларини бошқаради. Бироқ 80-йиллар охиридан бошлаб юборилган демократик ислохатлар натижаси ўларок Шарқий Европа мактабларида коммунистик гоёлар ўқитилмаяпти. Аксинча, ўз халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш мақсадида фанни ривожлантиришга, мактаблар ва бошқа тегишли ўқув муассасаларида техник фанларни ўқитишга катта эътибор берилмоқда. Ушбу мамлакатларда яшовчи болалар 8-10 йил давомида мактабга боришлари шартдир.

Европада кўплаб энг қадимги ва нуфузли университетлар жойлашган Кембриде, Оксфорд (Буюк Британия), Краков (Польша), Болония (Италия), Гейделберг (Германия), Вена (Австрия), Париж (Франция), Москва (Россия) каби университетлар шулар жумласидандир.

2. Германия ва Франция давлатларининг таълим тизими, унинг структураси ва характерли томонлари.

Германия-барча болаларни ўқитишга хизмат қиладиган халқ таълим тизимига асос солинган дастлабки мамлакатлардан биридир.

Германияда таълим жараёни ҳар бир вилоятда мустақил юошқарилади. Қонунга биноан барча болалар 6 ёшдан бошлаб 9 ёки 10 йил давомида мактабга қатнашлари шарт. Бироқ болаларнинг мактабга қатнашиш даврлари турли вилоятларда турличадир.

Германияда бошланғич таълим 4 йил давом этади. Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Германияда бошланғич таълимдан кейинги таълимни б бериш ихтисослашган. Махсус муассасалар-гимназиялар мавжуд. Гимназиялар ўзида ўрта мактабнинг куйи ва юқори босқичларини мухтасам этган бўлиб, улар ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлайди.

Ўрта мактабнинг куйи босқичини томонлаган болаларнинг 19% ўрта мактаб юқори босқичини тугатган битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълим тизимида билим олишни давом эттиради. Ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи йилда асосий ҳунар таълим берилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Учинчи йилда махсус ҳунар таълими чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия корхоналарнинг етакчи мутахассислари, федерал ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини бермайди. Олий ўқув юртларига қабул имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Олий ўқув юртларида ўқиш текин. Агар талаба молиявий ёрдамга мухтожлик сезса, бундай ёрдам унга кўрсатилади. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади. Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналар бир неча йил ишлашларини ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятини анча кеч бошлашларини тушунамиз. Шу туфайли бугунги

кунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда. Умуман, бугунги кунда Германия таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда.

Францияда болаларнинг мажбурий таълим жараёни 6-16 ёшларни ўз ичига олади. Бунга қадар француз болалар одатда 2 ёшдан 6 ёшгача оналар мактаби деб аталадиган мактабгача тарбия муассасаларига қатнайдилар.

Бошланғич таълим 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларни ўқитишга мўлжалланган. Бошланғич синфларда ўқиш муддати 5 йил бўлиб, бу муддат ичида ўқиш асосан 3 босқичга бўлинади:

- тайёрлов босқичи 1 йилга мўлжаллаган бўлиб, бунда болалар ҳисоблашга ўқиш ва ёзишга, қўйлайга, табиат манзаралаини томоша қилишга жисмоний машқлар бажарилса, меҳнат қилишга ўргатади:

- элементлар курс 2 йилга мўлжаллаган бўлиб, бунда ўқувчилар тайёрлов циклида олган билимлари янада чуқурлаштирилади.

- чуқурлаштириш босқичида (у 2 йил давом этади) ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичда эгаллаган билимлари янада чуқурлаштирилади.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугатиб, ўрта таълим муассасаларига ўтадилар. Ўрта таълим эса коллеж ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим 2 босқичда берилади. Биринчи босқич 4 йил давом этиб (11-15 ёшлар) энг кичик синф 6, ўрта синфлар 5-4, энг катта синф 3-синф бўлиб ҳисобланади. Демак, синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади. Биринчи босқич якунланганда ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб, 2-синф кичик, 1-синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Бакалавр унвони учун топшириладиган имтиҳон шунчалик мураккабки, болаларнинг 1/3 қисми синовлардан ўта олмайдилар.

Францияда 75 та университет мавжуд. Ҳар бир университет ўқув курслари ва таълим методларини ўзи мустақил белгилайди. Талабалар университет бошқарувида иштирок этадилар.

Яна бир эътиборга лойиқ жиҳат: 1970 йилгача француз ўғил ва қиз болалар мактабга алоҳида-алоҳида борадилар. Аммо 1970 йилдан бу анъанага чек қўйилди ва эндиликда барча болалар мактабда бирга таълим оладилар.

3.Белгия ва Швеция давлатларининг таълим муаммолари, уларнинг ҳал этилиши.

Белгия.

Деярли барча катта белгияликлар ёзишни ва ўқишни билади. Мамлакатда 2 хил ўқув тизими бор: давлат томонидан ва диний ташкилотлар томонидан ташкил қилинган мактаблар Давлат ҳар иккала тизим таълим муассасаларини маблағ билан таъминлайди.

Қонунга кўра 6 ёшдан 18 ёшгача барча болалар таълим олишлари шарт. Деярли барча ота-оналар ўз фарзандларини ясли ва боғчаларга берадилар.

6 ёшдан 11 ёшгача болалар бошланғич мактабда таълим оладилар 1970 йилга қадар ўқувчилар бошланғич мактабдан сўнг бирор касбий ёки ўрта мактабга борадилар. Бироқ 1970 йилда қабул қилинган қарорга кўра болаларнинг барчаси фақат тўлиқ ўрта мактабларга бориш лозим деб кўрсатилди. Бундай мактабларда ўқувчиларга ҳам умумий билимлар, ҳам касбий йўналиш берилар эди. 1979 йилга келиб янги мактаблар аввалги тизим муассасаларининг ўрнини тўлиқ эгаллади. Аммо айрим мустақил мактабларда аввалги тизим хусусиятлари сақланиб келмоқда.

Белгияда бошланғич таълим олгач 11 ёшдан 8 ёшгача бўлган даврда умумий таълим берилади. Ўқувчилар ўзлари қайси фанга қизиқсалар, ўша фандан кўпроқ таълим оладилар. Улар ўз хошишига кўра дарс жадвалини тузишади. Ўқиш билан биргаликда албатта ҳунар ўрганадилар. Бу дегани агар баъзи бир ўқувчилар ўқишни давом эттиришни хохламаса, мактабни тугатгандан сўнг завод ва фабрикаларда техник мутахассис бўлиб ишлашлари мумкин.

Шанба ва якшанба белгиялик ўқувчилар учун дам олиш кунлари. Бу кунларда ўқувчилар турли спорт клубларига боришади, мусобака ва беллашувлар уюштирилади. Шунингдек, яқинлари ва дўстлари даврасида бўладилар. Яна болалар учун «Саодат» ташкилоти мавжуд бўлиб, унда ҳар бир бола ўзи қизиққан йўналишли гуруҳга аъзо бўлади. Масалан география, биология астраномияга йўналтирилган гуруҳлар ёшларни бирлаштирган ҳолда иш олиб боради. Бу ташкилот фаолияти шундай қизиқарлики, аслида 18 ёшгача бўлганлар аъзо бўладилар-да, ундан юқори ёшдагилар ҳам ихтиёрий равишда бу ташкилотларда иш олиб борадилар.

Белгияда олий таълим университетларда амалга оширилади. Мамлакатда 4 та давлат университетлари ва 4 та хусусий университет мавжуд.

Швеция-Шимолий Европадаги индустриал тараққий этган камлакатдир. Швеция ҳукумати талабига кўра 7-16 ёшдаги барча болалар мактабга қатнашлари шарт. Бошланғич ва ўрта таълим бепул амалга оширилади. Ҳукумат, шунингдек, барча университетларни бошқариб боради.

Кўпчилик болалар 7 ёшга боғчаларга борадилар. Ҳукумат боғчаларни ҳам қўллаб-қувватлайди, аммо уларга қатнашни талаб этмайди.

Бошланғич мактаблар Швецияда «грандакола» деб юритилади. Улар куйи ва юқори босқичларга бўлинади. Куйи босқич ўз навбатида яна 2 босқичга ажратилади. Биринчи босқич 1-3 синфларни, иккинчи босқич 4-6 синфларни қамраб олади. Юқори босқич 7-9 синфларни қамраб олиб, 7-8 синфлардан ўқувчилар ўзлари учун керак фанларни танлай бошлайдилар. Кўпчилик ўқувчилар кейинчалик умумий таълимни давом эттирадилар. Баъзилар уй ҳўжалиги ёки ишлаб чиқариш цехларида керак билимларни ўрганишади. Баъзи болалар тилшунослик, технология ёки иктисодиёт бўйича билим бериладиган махсус курсларни танлайдилар. 4-7 синфларда барча болалардан инглиз тилини ўрганиш талаб қилинади. 90% ўқувчилар кейин ҳам хорижий тилни ўрганишни давом эттирадилар.



Грандскагани тугатгач, болалар ўрта мактабга боришлари мумкин.

1966 йилдан буён мамлакатда 3 турдаги ўрта мактаблар мавжуд уч йиллик олий ўрта мактабларда ўқувчилар университетга тайёрланади. Икки-уч йиллик давом эттирувчи мактабларда ижтимоий, ихтисодий ва техник фанлардан билим берилади. Касбий ўрта мактабларда кундузги ва кечки бўлимлар мавжуд бўлиб, уларда ишлаб чиқариш, иктисодиёт асосларидан билим берилади.

Швецияда 6 та университет мавжуд. Швеция олий ўқув юртлари азалдан ўзининг юқори сифатли билим даргоҳлари эканлиги билим маълуму-машхур. Уларда таълим бепул амалга оширилади. Бугунги кунда Швеция олий ўқув юртлари хорижлик талабаларга очиқ эканлиги билан жуда машхур. Хорижлик талабанинг бир кунни.

## ШВЕЦИЯ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

Яқин вақтларгача Скандинавия университетлари унчалик оммавийлашган эди. Мамлакат тили ҳам жаҳон миқёсида у кадар катта маъқеига эга эмас эди. Аммо кейинги 10 йил ичида Шимолий Европа, хусусан Швеция олий ўқув юртларида бошқа мамлакатлардан талабаларни кўпроқ жалб қилиш ҳаракати бошланди. Чет эллик талабалар учун махсус стипендиялар жорий қилган, инглиз ва швед тилини бепул ўрганиш ва имтихон топшириш мумкин.

Швед олий таълимида иккита мусбат жихат бор.

1. Анъанавий олий сифат. Мамлакат табиатининг бетакрор гўзаллиги етук мутахассис, менеджер, олим, мухандислар тайёрлашга ҳам шароит туғдиради.

2. Бу ерда барча талабалар қайси миллатга мансублигидан қатъий назар текин билим оладилар.

Шундай қилиб Швеция олий ўқув юртларида бир қадам олға силжиш бошланди. Швеция Университетларида ўқишни истаган абитуриентлар Интернет орқали ўзи хоҳлаган олий ўқув юртининг ҳалқаро бўлимига мурожаат қилади.

Чет элликлар шведлар билан умумий тартиб қондалар асосида танловдан ўтишади. Аввал, ундан базавий маълумотлардан хабардорлиги талаб қилинади. Яъни у ўзига яратиладиган ғамхўрликлар ҳақида биладими?

Қабул бир йилда 2 марта бўлади. 5 ойлик мустақил курслар учун кузги семестрга жорий йилнинг 15 апрели, баҳорги семестри 15 октябрга кадар хужжат топширилади. Ўрта мактабни, қисқа муддатли курслар, бакалаврликни тугатганлиги ҳамда маълумотнома ёки диплом нусхаси абитуриентдан талаб қилинадиган асосий хужжатлардир. Унга эса ўз мамлакатининг бирор педагоги берган тавсиянома ҳам қўшиб топширилади. Уни қизиқтирган факультет электрон почтага уланганлиги сабабли абитуриентдан бу ҳақдаги реферат ҳам инглиз тилида талаб қилинади. Умуман, ҳар қандай мамлакат талабаси бу ерда таълим олишдан аввал ҳеч бўлмаганда бир йил ўз юртида тахсил олгани маъқул. Мактабни тамомлаб, бирдан Швецияга келиб қолган чет эл фуқароси

анча қийналиб қолади. Шведция Университетларига ариза йўллаган талаба таълимни текин олади, у турар жой масаласини ўзи ҳал қилади. Талаба 750\$ стипендия олади. Шунинг 3/1 қисмини турар жойга тақсимлайди. Стокгольм ва Гетеборг шаҳарларида бошпана топиш катта бахт ҳисобланади. Талабалар 10-15 киши фойдаланишга мўлжалланган ётоқхоналарга ҳам жойлашиши мумкин. Шведцияда билим олишни хоҳловчиларга келиши билан кредит картчаси берилади. Стокгольм ва Гетеборг Университетларига келиб, фундаментал фанлар билан шуғулланишни истаса, унинг амалий тадқиқотлари, кейинчалик олий қироллик техника, Чалмерсов мактабларида давом этади. Гуманитар соҳа мутахассисларига Уппсала ва Лунд Университетлари хизмат қилади. Стокгольм Университетлари билан тенг обрўда юрадиган Седерторн олий мактаби ҳам борки, у пойтахтга яқин жойда жойлашган. Мактаб 1996 йилда ўзининг илк талабаларини қабул қилган эди. Шведцияда таълим ва бизнес Дуне қонуниятларига қўп ҳам мос тушавермайди. Стокгольм иқтисод мактаби Европа мамлакатларида юқори нуфузга эга. Мактабнинг Рига ва Петербургда филиаллари мавжуд. Мамлакат ўқув юртларининг талабалари 3 та гуруҳга бўлинади.

Таълим услублари Германия, Дания, Финляндияникига ўхшаш. Инглиз миллатига мансублар бу ерда кўпроқ Австралияликлар, Янги Зеландияликлар ҳам кам эмас. Шарқий Европа фуқаролари ҳам кам эмас, етарли. МДХ давлатларидан бориб таҳсил олаётганлар нисбатан кам. Лотин Америкаси, Япония, Хитой давлати вакиллари ҳам учрайди. Таълим олиш учун Швецияга энг кам фуқаро келадиган мамлакат бу Арабистон ва Африкадир.

### **Данияда таълим-тарбия тизими.**

Европанинг шимолий ғарбий-қисмида жойлашган миттигина Дания мамлакатада Копенгагендаги Талабалар шаҳарчаси 13-ётоқxonанинг 35-хонасида мириқиб ухлайётган Даниэл кулоғи Даниэл кулоғи остида соат бирдан хиринглаб қолди. У бу ҳолатдан сесканиб, уйқу аралаш дарҳол соатга қаради. Соат 7<sup>00</sup> дарс бошланишига ҳали 2 соат вақт бор. «Яна озроқ ухласаммикан? Дарса ҳали эрта экан. Ёки ҳозир туриб дарсларимми яна бир оз иккиланиб турди. Куёш нуруларидан хонанинг ичи ёришиб кетгани учун Даниэл бошқа ухлай олмади. Секин, аста жойини йиғиштириб, сочиқ, совун, Тиш ювгични олдида, ювиниш хонасига кетди. Даниэл ювиниш хонасида бир ўзи ювилар экан. Кеча информатикадан бўлиб ўтган имтиҳонни муваффақият билан топширгани ёдига тушди. Ва беихтиёр «бу менинг университетдаги илк муваффақиятим» дея кулиб қўйди. Даниэл ҳар куни олдин кийиниб, бугунги дарсларни бир йўла такрорлаб чиқди. Соат 8<sup>00</sup> ни кўрсатган вақтда Даниэл нонушта қилиш учун қават ошхонасига бориб курсдош ўртоқлари билан биргалиқда овқатланди. Улар билан анча вақтгача ошхонада суҳбатлашиб ўтирди. Чет давлатлардаги ётоқхона шароитлари бизнинг ётоқхона шароитларидан мутлақо бошқача. Яъни ошхоналар ҳар қаватда дам олиш хонаси билан бирга бўлиб 100-120 нафар талаба учун мўлжалланган. Улар бу ерда овқат пиширишади, туғилган кун ва турли хилдаги тадбирларни

Ўтказишади. Бундан ташқари, ҳар бир ошхонада икки нафар ошпаз навбатчи аёллар талабалар хизматида бўлиб ошхонага, новот тозалигини эътибор бериш, талаба буюртма берган овқатларни ўз вақтида муҳайё қилиш билан банд. Даниэл нонушта қилиб бўлгач, ётоқхона ёнидаги белгиланган майдончадаги «Теймис» номли тезюар велосипедни олиб, «Копенгаген» Университети томон йўлга чиқди. Бугун ҳам доимий вақтда чиққани учун кўчада талабалар оқимига қўшилиб кетаётган курсдош-ўртоқларини кўрди. Унинг дўстларида ҳам шундай тезюар велосипедлар бўлиб, ўқишга қатнашлари, турли жойларни айланиб, саёҳат қилишлари учун Университет томонидан «талабаликка мукофот» сифатида берилган. Хориждан меҳмон сифатида ташриф буюриб, айланиб саёҳат қиладиган бўлса, унга давлат томонидан бепул тезюар велосипедлар берилади ва у қандай берилган бўлса худди шундай қайтарилиши лозим. Ётоқхона билан Университет орасида 4 километрик масофа бўлиб, Даниэл бу йўлни 15-20 дақиқа ичида босиб ўтди. Университетга етиб келган «Теймис»ни белгиланган майдончага қўйиб, дўстлари билан бирга факультет томон кетди. Биринчи дарс «Халқаро иқтисодий муносабатлар» Дарс бошланишига ҳали 15-20 дақиқа вақт бор. Деярли аксарият талабалар ўз жойларида. Улар қатори Даниэл ҳам аудиторияга кириб ўтирди. Домла дарсни бошлашдан аввал дастлаб компьютерда терилган материалларни талабаларга адабиёт сифатида тарқатиб чиқди. Бугунги дарс асосан маърузадан иборат бўлгани учун домла ўзи тарқатган материаллардан фойдаланиб, 90 дақиқалик дарсни бошлади. Маърузада асосан давлатларда рўй бераётган иқтисодий инқирозлар, халқаро савдонинг ички ва ташқи амаллари, банк-молия тизимлари, маркетинг бозорларидаги аҳвол, валюталарнинг эркинлиги умуман ХХI аср бўсағасида турган давлатларда энг муҳим ўзгаришлар ҳақида талабаларга қизиқтирган баъзи саволлар, мулоҳазалар биргаликда, атрофлича муҳокама қилинди. Шундай қилиб, 1-дарс ҳам баҳс-мунозара билан поёнига етди. Талабалар икки ярим соатлик катта танаффусга чиқиб кетишди. Даниэл ҳам вақтини беҳуда ўтказмаслик учун университет қошидаги «Талабалар кутубхонаси»га чиқди. Навбатдаги дарс инглиз тили. Дарс ҳам бошланди. Домла 5 усуллик дарсини талабалар билан оғзаки ва ёзма тарзда ўзаро савол-жавобда ўтказиб берилган топшириқларни бирма-бир сўраб чиқди. Шу тарихда дарс ҳам тугади. Талабалар домла билан хайрлашиб, ҳар томонга тарқалишди. Кимдир ишига, кимдир ётоқхонага, яна кимлардир ётоқхонага, яна кимлардир курсдошлари билан айланишга. Даниэл ҳам белгиланган майдончадан тезюар велосипедни олиб, Алекс исмли англиялик дўсти билан шаҳарни айланишга чиқди. Бир-биридан гўзал музейлар, қизиқарли театр томошалари хилма-хил паркларни айланиб катта таассурот олиб қайтди. Бугунги кун ҳафтанинг охиригича кун бўлгани учун анъанавий кеча ўтказиш навбати Даниэлга етди. Даниэл ётоқхона ёнидаги «Талабалар бозори»га бориб, дастурхонни безаш учун зарур бўладиган барча нарсаларни харид қилди. Гарчи бозор расталаридаги маҳсулотлар бирмунча қиммат бўлса-да, талабаларга умуман қийинчилик туғдирмади. Чунки университет томонидан бериладиган 700-800 долларлик стипендия талабаларнинг еб-ичишларига бемалол етарди. Соат 20<sup>00</sup>. Теварак-атроф қоронгулашиб, кеч тушганда 13-ётоқхона ҳар кунгидек талабалар билан

гавжум эди. Деярли ҳамма хоналарда электр чироқлари ёқилган бўлиб, кимдир ошхонада овқатланаяпти, кимдир телевизор кўраяпти, яна биров дам олиш хонасида дарс қиляпти. Даниэл дўсти Алекс билан дастурхон тузаётди. Турли мамлакатлардан қарийб 25 нафар талаба ёшлар меҳмон сифатида ташриф буюришди. Даниэл уларни самимият ва очиқ кўнгиллик билан кутиб олди. Ўртача эса меҳмонларга атаб барча нарса, немис пивоси, гамбургер, пицца тортилади.

Шу тариха 13-ётоқхонанинг 35-хонасида то ярим тунгача электр чироги ўчмади.

Турли Европа мамлакатларининг таълим тизимларига хос хусусиятларни тавсиялашдан ташқари уларни қиёсий таҳлил қилишжуда муҳимдир. Зеро, айнан қиёсий таҳлил орқали ўртасидаги ортиқ ўхшашликларни янада аниқроқ идрок этиш мумкин бўлади. Ушбу мавзу якунида биз қиёсий таҳлилни куйидаги шаклда амалга оширдик.

## ГЕРМАНИЯ

Давлат таълим тизимига кирмайди, жамоат бирлашмалари қарамоғида; пулли; 3-6 ёшдаги болаларнинг 80% қатнашади.	4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил); бепул, ўқув адабиётлари билан текин таъминланади.	Гимназиялар –ўрта мактабнинг юқори ва куйи босқичларнинг бириктирган университетга тайёрлайди, оралик мактаблар иш жараёнига тайёрлайди.
---	---	--

Мактабгача таълим	Бошланғич таълим	Ўрта таълим
2-6 ёшдаги болалар учун ташкил этилган «оналар мактаби».	6-11 ёшлардан (5йил)давом этади; 3 босқичли тайёрлаб, элементар чуқурлаштириш босқичлари.	11-18 ёшларда лицей ва коллежларда амалга оширилади:2босқичли-11-12 ёш, 12-14ёш:14-15-биринчи босқич даври; 15-18 ёш иккинчи босқич даври.

## ФРАНЦИЯ.

Белгия таълим тизими 6-18 ёш. Кўпчилик болалар боради. 6-11 ёшлар (1-5 синфлар) бепул, мажбурий 11-18	Мажбурий таълим Мактабгача таълим. Бошланғич таълим. Ўрта таълим. Олий таълим.	Швеция таълим тизими. 7-16 ёш. Кўпчилик боради (мажбурий эмас).
---	--	---

<p>ёшлар ўқувчилар ўзлари кизикқан фанларни ўрганадилар,хунар ўрганадилар (бир вақтнинг ўзида). 4 та далаат ва 4 та хусусий университет мавжуд.</p>		<p>қуйи босқич 106 синфлар юқори босқич 7-9 синфлар. Ихтиёрий 3 турдаги ўрта мактабларда амалга оширилади; бири университетга, бошқалари касбий фаолиятга тайёрлайди. 6 та университет-барчаси давлат қарамоғи ва бошқарувида.</p>
---	--	--

### Саволлар.

- 1.Европа мамлакатларида таълим-тарбия муаммолари ҳақида умумий характеристикаси беринг.
- 2.Германия ва Франция давлатларининг таълим тизими, унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат.
- 3.Белгия ва Швеция давлатларининг таълим муаммолари.

### 7 - МАВЗУ: ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.

#### Режа:

1. Лотин Америкаси мамлакатларида таълим муаммоларининг умумий масалалари.
2. Бразилия ва Аргентина таълим тизимига хос хусусиятлар.
3. Колумбия ва Чили таълим тизими, ундаги муаммолар.
4. Лотин Америкаси мамлакатлари таълим тизимларига хос хусусиятларнинг қиссий таҳлил этилиши:

1. Лотин Америкаси – 33 та мустақил давлат ва 13 та турли сиёсий бирликларни ўз ичига олган минтақадир.

1990 йилдан буён Лотин Америкаси 1.Лотин Америкаси – 33 та мустақил давлат ва 13 та турли сиёсий бирликларни ўз ичига олган минтақадир.мамлакатлари таълим тизимлари ривожланиб бормокда. Аввалларига нисбатан бошлангич ўрта мактабларда ҳамда коллежларда таълим олувчилар сони анча ортган. Кўпчилик давлатларда саводхонлик даражаси анча ўсган. Аргентина, Чели, Куба ва Уругвай давлатларида саводхонлик даражаси 90% дан ортиқ. Кўпчилик ҳукуматлар саводсиз катталарни ўқитиш бўйича махсус дастурлар қабул қилинган. Таълимдаги тараққиётга қарашиб баъзи муаммолар ҳам ҳали ўз ечимини кутмокда. Гватемала ва Ганти каби

давлатларда саводхонлик даражаси 60% дан паст. Бутун лотин Америкасидан таълим даражаси қишлоқ жойларда шаҳарларга нисбатан анча пастдир.

Деярли барча Лотин Америкаси давлатларида болаларнинг бошлангич таълим олимлари мажбурийдир. Бироқ кўп жойларда, айниқса қишлоқ жойларда, шаҳарларнинг камбағал квартамариди мактаблар, ўқув материаллари ва малакали ўқитувчилар етишмагани боис ушбу талаб ҳар доим ҳам бажаравермайди. Кўпчилик ўқувчилар мактабдан таълим олишни бошлангич, кўп ўтмай ўз амалларига рўзгор тебратишга ёрдам бериш учун ўқишни ташлаб кетмоқдалар. Барча Лотин Америкаси мамлакатларида ҳукуматлар янги-янги мактабларни қурмоқдалар, янги-янги дастурларини қабул қилмоқдалар. Аммо қурилаётган мактаблар ва тайёрланаётган ўқитувчилар сонига нисбатан аҳоли сони тезроқ ўсиб бормоқда. Бундан ташқари таълим учун тўпланаётган ҳақ миқдори борган сайин ортиб бормоқда.

Кўпчилик Лотин Америкаси давлатлари болалар боғчадан коллежга қадар давлат таълим муассасаларида текин таълим олишлари мумкин. Бироқ ўртача таъминлаган ёки бадавлат оилаларнинг фарзандлари одатда пулли хусусий мактаблар ҳам давлат маблағлари билан таъминланади. Лотин Америкасидаги кўпчилик давлатларда хусусий мактаблар Камолик Черковларнинг бошқаруви остидадир. Узоқ йиллар давомида хусусий мактаблар давлат мактабларига нисбатан яхшироқ таълим бериб келмоқда. Бироқ сўнги йилларда давлат мактаблари учун ҳам катта пул маблағларининг ажратилиши натижасида улардаги таълим сифати хусусий мактаблар даражасига етиб қолди.

Лотин Америкасидан кўплаб нуфузли давлатга қарашли ва хусусий коллеж ҳамда университетлар мавжуд. Улар орасида бир қанча қадимий таълим даргоҳлари мавжуд. Масалан, Доминикан республикасидаги Сан-Доминго университети 1538 йилда, Лимадаги Сан-Маркос университети 1551 йилда, Колунбиянинг Богота шаҳридаги Сант-Томас 1580 Лотин Америкасида 18-23 ёшдаги аҳолининг 27% и олий ўқув йилда қурилган юртларида ўқийди.

1980 йилдан буён коллеж ва университетлар миқдори катта тезлик билан ортиб бормоқда Турли давлатларда олий ўқув юртларига кирмоқчи бўлганлар сони олий даргоҳлар қабул режаларидан анча катта.

2.Бразилия Лотин Америкасидаги энг катта давлат аҳолиси 164 миллион кишини ташкил этади.

Бразилиялик катталарнинг 80% ёзиш ва ўқишни билади. Бироқ таълим даражаси ҳатто бир мамлакатнинг ичида ҳам фарқланади. Таълим даражаси жанубий Бразилияда анча юқори бўлса, Бразилия ишлашда паст.

Бразилияда давлатга қарашли бошлангич таълим тизими текин таълим беришга қаратилган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган даврда болалар бошлангич мактабларга боришлари шарт. Бошлангич мактабларни тамомлаган болаларнинг кўпчилиги ишга кирадилар. Бундай болаларнинг аксарияти камбағал оилаларнинг фарзандларидир.

Бразилиянинг кўпчилик қишлоқ жойларида мактаблар ва ўқитувчилар етишмайди. Баъзи шундай жойларда радио орқали таълим бериш йўлга қўйилган. Университет талабалари ихтиёрий равишда ўқитувчилар

етишмаётган ҳудудларда таълим бериш Бразилияда кенг тарқалган ҳукумат катталар саводхонлигини ошириш учун махсус дастурлар қабул қилган.

Давлатга қарашли мактабларда таълим текин амалга оширилади. Бирок Бразилия ўрта мактабларининг кўччилиги хусусий ва пуллидир. Ҳалигача Католик Черков кўпчилик ўрта мактабларни бошқаради. Бразилияда 65 та коллеж ва университет мавжуд. Энг катта университет Сан Паула университети бўлиб, унда 54, 000 талаба талаба таълим олади.

Аргентина Лотин Америкасидаги ҳудудининг катталиги ва аҳолисининг кўпчилиги бўйича 2-ўриндаги мамлакат. Пойтахти Буэнос-Айрос: давлат тили – испан тили.

95% аҳоли саводлидир. Аргентинада бепул бошланғич ва ўрта таълим элим кафолатланди. Мамлакатда хусусий мактаблар кўп Давлат конунига биноан 6 ёшдан 14 ёшгача барча болалар мактабга бориши шарт. Шундай бўлсада, ўрта мактаб ёшдаги болаларнинг фақат оз қисмигина ўрта мактабларни тугатади. Эҳтимол, бунча қишлоқ жойлардаги иқтисодий аҳвол ҳамон оғирлигича қолаётган сабабдир.

Аргентинада 45 та университет мавжуд. Буэнос-Айрес университети нафақат Аргентина балки бутун Лотин Америкасидаги энг йирик университетдир. Унда 140.000 талаба таълим олади.

3. Колумбия ва Чили таълим тизими, ундаги муаммолар. Колумбия, Пойтахти-Богота, расмий давлат тили-испан тили, аҳолиси-35,487.000 (1994й).

Колумбиялик 80% катталар ўқиш ва ёзишни биладилар. Ҳукумат 7-11 ёшдаги барча болалардан мактабга боришни талаб этади. Бирок баъзида қишлоқ жойларда бу талаб амал қилмайди. Чунки бу ердаги мактабларда бор йўғи 2 ёки 3 синф мавжуддир.

Колумбияда жами 40 та университет мавжуд. Энг катта университет Баготадаги университетдир.

Чили Пойтахти-Сантьяго, давлат тили-испан тили, аҳолиси-14 миллион киши (1984).

Чилликларнинг 90% дан ортиғи ёзиш ва ўқишни билади. (15 ва ундан катта ёшдагилар орасида). Чилида болалар текин бошланғич таълим билан таъминланади. Бошланғич мактабларга болалар 8 йил катнайдилар.

Чилида ҳам мактабларда таълим турли. Уларнинг кўпчилиги Католик Черков томонидан бошқарилади. Давлатга қарашли ўрта мактабларда таълим бепул. Шунга қарамай бошланғич мактаблар битирувчиларнинг кўпчилиги ўрта мактабда таълим олишни давом эттирмайдилар. Улар ўз оилаларига рўзғор тебратишга ёрдамлашиш учун ишга кирадилар.

Чилида 23 та университет бўлиб, уларда жами 125.000 га яқин талаба таълим олади.

4. Лотин америкаси мамлакатлари таълим тизимларига хос хусусиятларининг қиёсий таҳлил этилиши.

Турли мамлакатларнинг таълим тизимлари, уларнинг хусусиятлари, улардаги муаммолар ўрганилганда нафақат тавсиялаш, тарихий методлардан, балки айни вақтда қиёсий таҳлил методидан фойдаланиш талаб этилади. Чунки турли мамлакатларнинг таълим-тарбия соҳасидаги муаммоларни ўзаро

қиёслансагина уларнинг фаркли ва ўхшаш томонларини чуқур англаб етиш мумкин бўлади. Шунга мувофиқ ушбу мавзу якунида биз Лотин Америкаси мамлакатларининг таълим соҳасидаги хусусиятларини айрим мезонлар бўйича кўргазмали тарзда қиёслаб кўрдик. Натижалар куйидаги тасвирда берилди.

Давлатлар	Саводхонлик даражаси.	Бошланғич таълим даври	Бепул таълим	Ўқишни ташлашнинг асосий сабаблари.
Бразилия	80%	7-14 ёш	Бошланғич таълим	Мактаб ва ўқитувчилар етишмаслиги.
Аргентина	94%	6-14 ёш	Бошланғич ва ўрта таълим	қишлоқдаги ҳаётнинг оғирлиги.
Чили	90%	6-14 ёш	Бошланғич, давлат мактабларидаг и ўрта таълим	Оилага иктисодий ёрдам бериш зарурати.

#### Саволлар.

1. Лотин Америкаси мамлакатларида таълим муаммолари ҳақида гапириб беринг.
2. Бразилия ва Аргентина таълим тизимига хос хусусиятларини тушинтиринг.
3. Колумбия ва Чили таълим тизими, ундаги муаммолар.

### 8 - МАВЗУ. МЕКСИКАДА ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ УМУМИЙ ТОМОНЛАРИ.

Мексика-Шимолий Америкадаги давлат Пойтахти-Мехико; расмий номи – Мексика бирлашган штатлари; расмий давлат тили – испан тили; аҳолиси – 95, 939.000.

Испанларнинг мустамлакачилик даврида Мексикадаги таълим жараёнлари эришган, янги ҳукумат ва черков ўртасида таълим жараёни устидан назорат қилиш бўйича қизгин тортишув бошланиб кетди. Ҳозирги Мексика Конституциясидда 1977 йилда қабул қилинган диний ташкилотлар ва муассасалар ҳамда уларнинг ходимларига диний мактаблар очиш ва уларда диний таълимотни ўқитишни таъқиқланди. Бироқ қонун кўп марта бузилавергач, 1991 йили Конституцияга ўзгартириш киритилди. Эндиликда черковларга ўз мактабларини очиш ва уларда динни ўқитишга руҳсат берилди.

XX аср бошига келиб 25% дан камроқ мексикаликлар ёзишни ва ўқишни биларди. 1910 йилдаги инқилобдан кейин, айниқса, 1940 йилдан ҳукумат бепул бошланғич таълимни ташкил этиш учун кўп ишлар қилди: минглаб янги мактаблар қурилди, педагог кадрлар етказиб берувчи ўқув муассасалари ташкил этилди, ҳукумат йилдан-йилга таълим соҳаси учун тобора



кўпроқ маблағлар сарф этмоқда. Бугун мексикалик катталарнинг 90% ўқишни ва ёзишни биладилар.

Мексика қонунларига биноан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган барча болалар мактабга бориши шарт. Ушбу талабга биноан 90% болалар бошланғич мактабларни тугатадилар. Қишлоқ жойларга нисбатан шаҳарларда кўпроқ болалар мактабга боришади ва уни тугатишади.

Боғчадан кўп болалар 6 йил давомида бошланғич таълим оладилар. Бундан кейин улар 3 йиллик базавий ўрта мактабда, уни тамомлаган. 3 йиллик юқори ўрта мактабда таълим олишлари мумкин. Кўпчилик юқори ўрта мактаблар хусусийдир.

Олий таълим Мексикада университетлар, ихтисослашган коллежи техник институтларда амалга оширилади. Олий таълим бу-Мехико шаҳридаги Мексика Миллий Автоном университети бўлиб, у 1551 йилда ташкил этилган ҳамда 325.000 талабага эга. Мексика миллий кутубхонаси ҳам университет ҳудудида жойлашган.

## Осиё давлатларида таълим тизими

### (Сингапур).

Режа.

1. Сингапур таълим тизими.

2. Сингапур таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Сингапур давлати нафақат Осиё қитъасида, балки дунё миқёсида сўнгги чорак аср мобайнида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган давлатлардан бўлиб ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳар йили ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг ўртача миқдори 2728 минг АҚШ доллирини ташкил этади.

Сингапур табиий ва ер ости бойликлари деярли йўқ. Истеъмол учун асосий озиқ-овқат, мева-сабзавотлар хориждан келтирилади. Давлатнинг асосий бойлиги – унинг интеллектуал салоҳияти.

Сингапур тарихан Буюк Британия мустамлакаси бўлгани учун, унинг таълим тизими кўп жиҳатлари билан Британия таълим тизимига ўхшаш.

Ҳар йили ўрта мактабларни битирган ёшларнинг 40% политехника институтларига, 40% коллежларга, 20% ишлаб чиқаришга боради.

Политехника институтларида талабалар 3 йил ўқийди. Политехника олийгоҳлари кенг қамровли бўлиб, улар таркибида ҳатто даволаш факультетлари ҳам бор.

Бакалавр, магистр ҳамда докторлик диссертациялари асосан университетдаги илмий кенгашларда ҳимоя қилинади.

Сингапур қанчалик тез суръатлар билан ривожланаётган бўлмасин, у ерда ҳам тажриба сифатида АҚШ, Германия, Франция, Япония ва Хитойнинг етук олий ўқув юртлири фаолияти ўрганилиб келинмоқда.

Таълим муассасасалари бинолари ҳам Европа мамлакатларидаги ўқув юртлари лойihalарига мос равишда ишланган. Ўқув жраёнини ташкил қилишда Германия, АҚШ, Англия, Франция, Япония каби мамлакатларнинг тажрибаси асос қилиб олиниб, улардан етук профессор-ўқитувчилар шартнома асосида ишга таклиф этилади. Масалан, Каненг технология униерситетида 70 дан ортиқ чет эллик педагог дарс беради. Шунингдек кўплаб мамлакатлардан талабалар Сингапурга келиб билим олишади. Технология университети талабаларининг 20-25% хорижий мамлакатлар фуқароларидир.

Сингапур ўқув муассасалари фаолиятидаги асосий хусусият, электроника, яъни информацион технологиялар соҳасининг жадаллашганлигидир. Компютерда ишлашни ўрганиш асосан ўрта мактабда амалга оширилади. Компютерда ишлашни билмаган мутахассис таълим муассасаларига ишга қабул қилинмайди. Бу соҳада ҳукумат қабул қилинган режа бўйича 2002 йил охиригача мактаблардаги ҳар 2 ўқувчининг бири компютер билан таъминланади. Шунинг учун олий ўқув юртларида компютерда ишлашни ўрганиш муаммоси йўқ.

Олий ўқув юртининг талабаси олийгоҳни битирув ишлари амалиётда қўлланиладиган натижа билан яқунлаши шарт ва талаба битирув иши натижасига кўра иш жойи билан таъминланади

Талабалар 4-6 ой давомида ишлаб чиқариш жараёнида амалиёт ўтадилар. Таълим муассасаларидаги сиртки ўқитишнинг 50-60%, кундузги шаклнинг 30-35% масофадан ўқитиш асосида амалга оширилади. Ўқув режасидаги фанлар бевосита мутахассисликка алоқадор бўлиб, фанларнинг 70-80% мутахассисликка тегишли. Магистрлар 2 йил мобайнида 4 та асосий фандан таълим олишади.

Сингапур таълим тизими тажрибаси Республикамиз олий таълим муассасаларида тадбиқ қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Биз ҳам информацион технологиялар ва интернет тизимига уланганмиз. Компютерларда ишлашни ўрганиш олий таълим тизимига қадар, яъни мактаб, лицей ва коллежларда амалга оширилса, уни кейинги босқичнинг ўқув режасига киритиш шарт эмас.

## **9 - Мавзу: Саудия Арабистонида таълим-тарбия.**

1. Арабистон таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Арабистон таълим – тизимидаги мавжуд муаммолар.
3. Арабистонда таълим тизимининг ривожлантириш йўллари.

Ўзбекистон ўз истиқлолига эришгандан кейин ўтган қисқа давр ичида унинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб, у билан иқтисодий маданий алоқалар кўламини кенгайтириш мақсадида ўз дипломатик ваколатхоналарини очаётган давлатлар сон кун сайин кўпайиб бормоқда. Яқинда Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган Саудия Арабистони элчихонаси ҳам шулар жумласидандир. Шу йил 6 июнь куни Саудия Арабистони мамлакатининг фавқулудда ва мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рифить ўз ишонч ёрлигини Республикамиз Президенти Ислон Каримовга топширилди.

Саудия Арабистонида таълим тарбия ҳақида сўз кетганда, бу соҳада, ҳақиқий бурилиш 1949-50 йилларга тўғри келганини қайд этиш керак. Саудия Арабистонида олий ўқув юртига киришдан олдин 4-босқичда тарбия ва таълим беради.

Мактабгача таълим.

Бошланғич таълим. Унда 6-12 ёшгача бўлган болалар ўқийди.

Ўрта босқич. Унда 12-15 ёшгача бўлган болалар ўқишади.

15-18 ёшгача бўлган ёшлар таълим оладилар.

Бошланғич, тўлиқсиз, ўрта ва ўрта таълим муассасалари билан-Маориф вазирлиги шуғулланади.

У асосан ўғил болалар ўқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Қиз болалар таълими бўйича эса ихтисослашган Умумраёсат фаолият кўрсатади. Мамлакатда кўплаб хусусий мактаблар бўлса ҳам ўқувчилар давлат қарамоғидаги мактабларни афзал кўрадилар. Саудия Арабистонида олий таълим ривожда мамлакатда бошқарув, аниқ фанлар муҳандислик, таълим сингари соҳаларда етарли маҳаллий мутахассис кадрлар камлиги туртки бўлади. Олий таълим мамлакат тараққиётини белгилайдиган ҳар қандай режа ва дастурларнинг устувор йўналиши бўлиб қолади. Мамлакатдаги олий (таълим) малакали ажнабий мутахассисларни маҳаллийлар билан алмаштириш кун тартибига чиқади. Натижада бирин-кетин 7 та университет очилди. Улар 1957 йили очилган Ар-Риёд Университети. Араб ярим оролидаги биринчи олий ўқув юрти бўлиб, 1982 йилдан бошлаб Шоҳ Сауд номи билан номланган. Ундаги бошқарув илмлари, қишлоқ хўжалиги, ҳайвонлар, табобати, филология, информатика, тиш табобати, иқтисод, давлат корхоналарини бошқариш, таълим-тарбия, муҳандислик, умум табиат, амалий табиат, дорилшунослик, аниқ фанлар каби факультетларда 2500 дан ортиқ талаба ўқийди. Университет таркибида аспирантура, аёлларга университет билими бериш маркази, араб тили институти, узлуксиз таълим марказлари мавжуд. 1962 йили Ал-Мадина, Ал-Мунавварада очилган Ислоом Университети. Бу олийгоҳда 362 та устоз-муаллимлар 3000 дан ортиқ талабаларга дарс бериб келинади. Талабаларнинг 80%ни саудиялик маҳаллий аҳоли вакиллари бўлса, қолганлари дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларидан келган ёшлардир. 1967 йили Жидда Шаҳрида қурилган Шоҳ Абдулазиз Университети. 1196 та устоз домлалар ишлаётган, 34000 дан ортиқ талабалар ўқиётган бу Университет 1971 йилгача хусусий олий билимгоҳ бўлиб келган. Бу улкан билим даргоҳи таркибида аниқ фанлар иқтисод ва бошқарув, филология ва инсоншунослик, муҳандислик, гидрометеорология, денгиз илмлари сингари факультетлар бор, илмий текшириш марказлари ҳам фаолият кўрсатиб келади. 1953 йили таъсис этилган Имом Муҳаммад Бин Саъуд Ислоом Институти. Унда 1400 устоз домла, 28000 дан ортиқ талаба ўқийди. 1993-94 ўқув йилининг ўзида Университетга 3807 та толиба қизлар қабул қилинган. Бу дунёга машҳур билим масканида бир нечта институт ва факультетлар бор. 1965 йили малакали қозилар тайёрланадиган институт очилган. 1970 йили ташкил топган ижтимоий фанлар факультети таркибида араб тили ва кутубхоначилик мутахассислари ҳам тайёрлангандан кейин у 1974 йили араб тили ва ижтимоий фанлар факультетига айланган.

1975 йили очилган Шоҳ Файсал Университети. 118 та устоз-ўқитувчи ишлаётган бу университетда 5944 та талаба таҳсил олади, ундан 2859 таси кизлардир. Шоҳ Файсал бу университет учун Аш-Шаркийя районидан танлаган, унинг қад ростлашида ўша пайтда амир бўлган, ҳозирги мамлакат шохи Фаҳд Адулазиз кўп жонбозлик кўрсатган эди.

Университет 2 йирик мажмуадан иборат бўлиб, бири Ад-Даммаам, 2 Ал-Хуфууфда жойлашган. 1986 йилдан бошланиб Шоҳ Фаҳд номли нефть ва металлургия Университетига айланган бу билимгоҳ аслида нефть ва металлургия факультети бўлиб, у 1963 йилда очилган эди. Ўша пайтда талабалар сони 100 тага ҳам етмас эди. 1964 йилдан бошланиб факультетга бошқа араб ва мусулмон мамлакатлар вакиллари ҳам қабул қилинадиган бўлади. 1974 йилга келиб у ерда ўқиётган талабалар сони 1500 тага етди. Университетда қатор факультетлар билан бирга аспирантура ҳам бор. Бу олий ўқув юрти бир ҳисобда мамлакатдаги бошқа университетлардан фарқ қилади. У университет кенгашига бўйсунди. Университет кенгашига эса мамлакат олий таълим вазири бошчилик қилади. Бошқача қилиб айтганда, Университет кенгашига эса мамлакат олий таълим вазири бошчилик қилади. Бошқача қилиб айтганда, Университет мустақил юридик шахс ҳисобланади. 1979 йили асос солинган Умму-л-Қураол Университети. 1981-82 йил Университет сифатида ўз фаолияти бошланган 1993-94 йили у ерда жами 15000 талаба таҳсил олган. Улардан 7700 таси кизлар бўлган. Аввалида бу билимгоҳ Шоҳ Абдулазиз Университетининг бир бўлими сифатида 2 факультет ва араб бўлмаганларга араб тилини ўргатиш институтидан иборат эди. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги, мутахассислик, амалий билимлар сингари факультетлар ҳисобига кенгайган. Унинг мамлакатдаги кўллаб илмий марказлар билан мустақкам алоқаси бор. Шу билан бирга Саудия Арабистонида Шоҳ Абдулазиз номидаги илм ва фан шаҳарчаси ҳам фаолият кўрсатиб туради.

Саволлар.

1. Арабистон таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг
2. Арабистон таълим – тизимидаги муаммолар.
3. Арабистонда таълим тизимини ривожлантиришнинг усулларини айтинг.

## 10 - МАВЗУ: Ривожланган давлатларда таълим-тарбия.

РЕЖА:

1. АҚШ да таълим тизимининг тузилиши.
2. АҚШ таълимнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Япония таълим тизими ва хусусиятлари.
4. Япония таълим ва тарбияорасидаги узвийлик.
5. Францияда таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари.
6. Германияда таълим тизимининг ривожланиши.

Жаҳоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим-тарбия йилларининг йўлга қўйилиши мактабларда амалга оширилганининг ўрганиш орқали биз мустақил республикамиз миллий таълим тизимини янгидан ташкил қилишда, эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолият шакллари ва усулларидан тезроқ халос бўлиш уни, муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз.

Америка қўшма Штатларида таълим тизимининг тузилиши куйидагича:  
-болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;  
-1-8 синфларни ўз ичига олувчи бошланғич мактаблар (6-13);  
-9-12 синфлардан иборат ўрта мактаблар (14-17). Улар қуйи ва юқори bosқичдан иборат.

АҚШ да навбатдаги таълим bosқичи Олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунларда амалга оширилади.

Сўнги bosқич, дорилфунунлар ва бошқа ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ва докторантуралардир. АҚШ да мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилинади. Ўқув юртлари давлат, жамоа, хусусий тасарруфда ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин. Америкада болалар 3 ёшгача тўлгунларича оналарга турли имтиёзлар бериш кўзда тутилмаган.

Болалар учун ҳақиқий таълим-тарбия жараёни 5 ёшгача тўлганларидан кейин бошланади. Ана шу ёшда улар «Киндер чарден» деб аталувчи тайёрлов боғчаларига жалб этиладилар. Бу тайёрлов боғчалари ҳукумат тасарруфида бўлиб, боғчалар ёки мактаблар таркибида ташкил этилади. Бошланғич мактабларнинг асосий вазифаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга тўлақонли билим таълим бериш уларнинг умуминсоний, ахлоқий хислатларга эга бўлиб шаклланишни таъминлашдан иборат

Бошланғич таълим 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларни ўқитишга мўлжаллаган. Бошланғич синфларда ўқиш муддати 5 йил бўлиб, бу муддат ичида ўқиш асосан 3 bosқичга бўлинади:

- тайёрлов bosқичи 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисобланса ўқиш ва ёзишга, қуйлашга табият манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга жисмоний машқлар қилишга, меҳнат қилишга ўргатилади;

- Элементар курс 2 йилга мўлжалланган. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов цеклида олган билимлари янада чуқурлаштирилади.

-чуқурлаштириш bosқичи. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар bosқичда эгаллаган билимлари янада чуқурлаштирилади.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим 2 bosқичда берилади. Биринчи bosқич 4 йил бўлиб (11-15), энг кичик синф 6-ўрта синф 5-4, 3-синф эса энг катта синф ҳисобланади. Демак, синфларни рақамлаш тепадан пастга қараб амалга оширилади. Биринчи bosқич яқунланганда ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш уч йил давом этиб, 2-синф кичик, 1-синф ўрта ва яқунловчи синфларга бўлинади.

уқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сунг бакалавр унвони ва дипломи учун имтихон топширадилар. Ана шундай диплома эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Умумий таълим йўналишдаги 3 лицейларда қуйидаги фанлар ўқитилади: адабиёт, тарих. Она-тили, лотин тили, чет тили география, франция адабиёти.

Уч йиллик техник лицейларда: математика, физика, химия ва бошқа фанлар чуқурлаштирилиб ўтилади. Шуниси диққатга сазаворки, ўқувчининг бу босқичда чет тилларини ўрганишга катта эътибор берилади.

Японияда ҳозирги таълим тизими қуйидаги таркибга эга:

Болалар боғчалари, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртларидан иборат. Болалар боғчаларига 3-5 ёшли болалар қабул қилинади. Болалар ёш хусусиятларига мувофиқ равишда 3,2,1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар. Мажбурий таълимга 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб улар шу муддат ичида 6 йиллик бошланғич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтмайдилар. 9 йиллик, бу таълим мажбурий бўлиб, барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарсликлардан фойдаланадилар. Ота-оналар ўз болаларини хусусий мактабларга бериш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Лекин хусусий мактабларнинг ўзига хос шарт-шароитлари ва талаблари мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаби Японияда кундузги, кечки, сиртки бўлимларга бўлинади. Кундузги юқори босқич мактабларда ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда таълим оладилар. Бу мактабларда ўқиш ихтиёрийдир. Унда қуйи ўрта мактабларни битирган юқори босқич ўрта мактабларига кириш синовларидан муваффақиятли ўтган. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи ёшлар қабул қилинадилар. Унда умумий таълим фанлари, техник билимлар, тижорат, маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, кемасозлик ва бошқа соҳаларга оид билимлар ўргатилади. Бундай турдаги мактабларда умумий ва хусусий тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 98% ёш билим олади.

Дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар Японияда олий таълим тизимини ташкил этади..

Бошқа мамлакатлардан фаркли ўлароқ Япония мактабларида ўқиш 1 апрелдан бошланиб, йилнинг 31 мартда ниҳоясига етади.

Германияда гимназиялар ҳам мавжуд бўлиб, улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. Гимназияни битирганлик ҳақида етуқлик аттестатини олий ўқув юртига ўқиш имкониятини беради. Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга. Чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб катта.

Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг 79% тўлиқ ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттиради. Ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Икки йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия корхоналарнинг етакчи мутахасислари,

федерал ерлардаги саноат палатаси, хунармандчилик палатаси вакилларида ташкил топади. Хунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртлирига кириш ҳуқуқини бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтихонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўқиш текин. Агар талаба озик-овқат харажатларини кўтара олмаса, ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги федерал қонунга кўра, у молиявий ёрдам олади. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга кўшиб берилади. Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганлига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашларини ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятини анча кенг бошлашларини тушунамиз. Шу туфайли бугунги кунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда. Умуман бугунги кунда Германия таълим тизимини истиҳ қилиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда.

Бошланғич ва кичик ўрта мактабларда ўқув йили 3 семестрга бўлинади: апрел-июнь, сентябр-декабр, январь-март. Катта ўрта мактабларда эса ўқув йили 2 ёки 3 семестрга бўлинади.

Япония мактаблари асосий эътиборни ўқитувчи фаолиятига ва дарсликка қаратадилар ўқитувчилар ўзларича ишониб топширилган 35-40 ўқувчининг виллини ва тарбияси учун жавобгардирлар. Шу боисдан улар дарсдан бўш вақтларини ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан суҳбатларга, хонадонларга ташриф ишларига бағишлайдилар. Японияда оилавий бюджетнинг катта қисми болаларнинг сара мактабларда пухта билим олишларини таъминлашга университетларга кириб билим олишларига сарфланади. Оилада бола янги билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади.

Турли таълимий кўникмаларни болалар онгига сингдириш Япон мактабларига хос фазилатдир. Масалан, 2-синф ўқувчиси кўпчилик олдида нутқ сўзлаш қобилиятига эга бўлиши, 6-синф ўқувчиси камида 2 та чолғу асбобида куй чала билиши, бошланғич синф ўқувчиси сувда бемалол суза олиши керак.

Японлар тўғри ва ҳалол турмуш тарзини қадрлайдилар. 1-синфдан 9-синфгача аҳлоқ тарбияси мактаб фаолиятининг зарурий шартидир.

Францияда мактаблар давлат, хусусий ва оралиқ мактабларга бўлинади. Ўқитиладиган фанлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, уларга ажратилган вақт умумий вақтнинг 30% ташкил этади. Ўқув режасидаги 45% дарслар гуманитар йўналишда, қолганлари табиий фанлардир.

Франция таълим тизимининг дастлабки босқичини мактабгача тарбия ташкил этади. Бу босқич «Оналар мактаби» ҳам деб юритилади. Унда болаларнинг мактабдаги шароитини уй шароити билан билан яқинлаштиришга катта эътибор берилади.

## Қиёсий анализ.

Турли мамлакатларда яшовчи ҳар хил ёшдаги кишиларнинг таълим жараёнига жалб этилишининг фоиздаги нисбатлари.

Минтақалар ва ҳудудлар. Ёш гуруҳлар.

6-11 12-17 18- 23

1	Шимолий Америка	100%	98%	64%
2	Австралия. Янги Зеландия ва Тинч океандаги ороллар.	98%	76%	24%
3	Европа ва Собиқ Совет иттифоқи	89%	84%	32%
4	Лотин Америкаси	88%	72%	27%
5	Осиё	81%	47%	16%
6	Африка	63%	47%	13%

### 11 - МАВЗУ: Буюк Британия. Финландия ва Нидерландия давлатларида таълим тизимининг ўзига хосликлари.

#### Р Е Ж А:

1. Буюк Британия таълим тизими ва уни ташкил этиш шартлари.
2. Финландияда таълим тизимининг жорий этилиши.
3. Нидерландияда таълим тизимини олиб борш усуллари.

Буюк Британиянинг энг йирик олийгоҳи Шимолий Лондон университети 17000 талаба. 8 та тил ўргатилади.

Мажбурий таълим текин. Кейинги таълим пулли. Мактабни битиришдан 1 йил олдин 6 та университетга ариза топширди. Йил давомида тегишли фанлардан балл йиғиб беради. Ушбу балл миқдори қайси университет талабига бўлса, абитуриент ушбу олийгоҳга қабул қилинади. Талабалар стипендия олмайди. Бакалавр ва магистрлик даражасига эга бўлиш учун 5 йил ўқилади. Ушбу босқичлардан сўнг аспирантура ва докторантура босқичларида ихтиёрий таълим олиш мумкин. Университетда 21 ёшдан қабул қилинади. Мактаб битирувчиси университетга кириш учун 3 йил тайёргарлик кўради. Бунда ўзи қизиққан фанлардан (3,5 ва ҳ) чуқур мустақил билим олади. Олий ўқув юртлари бўлажак талабаларга қабул шартларини юборади. Абитуриент шунга мувофиқ тайёргарлик кўради. Талабаларнинг ўқиши, коммунал хизмат харажатлари юқори бўлгани учун талабаларга имтиёзли қарз берилади.

Мактабни тамомлашдан олдин абитуриент эса бир йил давомида керакли балларни тўплайди ва натижа қайси Университет талабига мос келса ўша даргоҳга қабул қилади. Ўқиш пули тўлов шаклида. Талабага стипендия тўланмайди. Ўқиш ётоқ камунал хизмат харажатлари юқорилиги сабаб талабаларга имтиёзли қарзлар бериш жорий қилинган.

Шимолий Лондон Университети 8 та чет тили ўргатилади. Бундай имкониятдан камида 2400 нафар талаба баҳраманд бўлиши мумкин.



Талабаларга билим, кўникма ва малакаларни ўргатиш дастури 1 неча моделларни ўз ичига олади. У билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қатъий тартибига риоя қилишга мажбур. Эгаллаган билимлар аввал ўз ўқитувчиси кейин бошқа мураббийлар томонидан текшириб кўрилади. Натижалар Университетдан ташқаридаги имтиҳон комиссиясига юборилади. Буюк Британиянинг бошқа олий ўқув юртидаги таълим ҳам ижтимоий Лондон Университетидаги сингари ташкил этилган.

Оули шаҳри Финляндиянинг шимолий ғарбий қисмида жойлашган бўлиб ўз Университетига эга. У ўзининг илмий ахборотлари янги технологияси билан Шимолий Финляндияни таъминлайди.

Ўналишлари: Таълим медицина илм технология ва иқтисод ишловчи педагоглар сони 3000 нафар.

Маблағларнинг 3 дан 2 қисми бюджетдан 3/1 қисми эса Университет олимларининг илмий ижодий кашфиётлари технологик хизмат турларидан келади. Шунингдек 1 қанча лойиҳаларда қатнашиш ҳам илм даргоҳига катта фойда келтиради. Европа ҳамжамиятининг 1 неча лойиҳаларда қатнашаётган Университет ходимлари жуда катта маблағ ишлаб топдилар.

Интернет Университетнинг юраги. Талабалар бу тармоққа уланиб ўқитувчиларидан топшириқ олишади ва бажаришади.

Университетнинг ўқитувчилар тайёрлаш факультетига давогарлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан бошланғич таълим факультетига 80 та ўринга 6-7 минг ариза тушар экан. Лекин талабалikka танловнинг ўзига хос тартиб қондалар мавжуд. Бу ерда ҳам қабул эркин 10 та Университетга 1 вақтда ариза берган абитуриент мактабни битиргандаги тўплаган бали қайси жойнинг рейтингига мос келса ўша ерга хужжат топширади. Лекин танлов катталиги сабабли танлашнинг ўзига хос талаблари бор. Бўлажак талаба педагогика, психология фанларидан синаб кўрилгач яна бир синовга дуч келади. Яъни бу педагогик вазиятларни тўғри таҳлил қила оладими унинг ана шу маҳорати синаб кўрилади.

Педагогика факультетида талабалар бакалавр ва магистр даражасини олганларидан сўнг мутахассис дипломларига эга бўладилар. Ўқиш муддати 5 йил.

Амалиёт бутун ўқув йили давомида ўтказилади. Талабалар биринчи курсдан бошлаб Университетни битиргунча узлуксиз амалиёт ўтайдилар. Улар ўқув йили давомида 40 та кредит 40 соат ўқув юклагаси бир ҳафтада 4 соатни ташкил қилади. Унинг ярми маъруза, қолгани амалий ва мустақил ишлардан иборат.

Европа таълим тизимида талабаларни миллий педагогик ва синф маданиятига ўргатиш муҳим омил саналади.

Финляндияда ўқитувчилик касбига қизиқиш катта. Бўлажак ўқитувчилар 1-курсданок пед амалиётга чиқади.

Нидерландияда бошланғич синфга қабул 4 ёшдан бошланади. Мактабга тарбия муассасалари мавжуд эмас. 16 ёшгача мажбурий таълим. Махсус мактаблар фаолият кўрсатапти. Ҳозирги кунда 8 та университет, 5 та олийгоҳ ишлаб турибди. Махсус мактабларда 8-21 ёшли болалар таълим

оладилар. Нидерландияда 7 диний олий ўқув юртлари мавжуд. Улар давлат томонидан таъминланади. Олий ўқув юртлари 2 босқичли таълимдан иборат.

Гимназияларда чуқурлаштирилган таълим берилиб, болалар олийгоҳга тайёрланади.

Чет эллик талабалар учун таълим очик. Талабалар қатор имтиёзларга эга. Нидерландияда талабалар 1-курсиданок иш олиб таъминланади.

Ҳиндистон.

Мустақиллик йилларида ўқишни ва ёзишни биладиган инсонлар сони икки баробар ўсди. Бунга 1951 йили қабул қилинган ва изчил амалга оширилиб борилаётган махсус давлат дастури ҳисобига эришилди. Ҳукумат мактаблар қурилишида ўқитувчиларни тайёрлашга ва мактабларни китоблар ўқув материаллари билан таъминлашга катта пул маблағларини сарф қилади.

Мамлакат Конституциясига мувофиқ 6-ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар текин таълим олиш ҳуқуқига эга. Ушбу ёшдаги болаларнинг тахминан 85% 5-синфгача мактабга қатнайдилар. Бироқ 6 синфдан бошлаб то 10 синфгача қатнайдиغانлар сони 35% гача тушиб қолади. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич янада пастроқ. Кўпчилик болалар мактабни ташлаб ўз оилаларига ёрдам бериш учун ишга кирадилар. Шунга қарамай ҳиндистондаги барча мактаблар ўқувчилар билан тўлиб тошган ҳиндистонда 4,850 ортиқ коллеж ва университет мавжуд. 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган ёшларнинг тахминан 4% олий ўқув юртларида таҳсил оладилар. Бу кўрсаткич эса кўпгина ривожланаётган мамлакатлардаги кўрсаткичдан юқоридир. Ҳиндистон инсониятнинг энг қадимий маданият ўчоқларидан биридир.

Мамлакат таълим тизимини қайта ташкил этиш ва унинг асосий мазмунини ҳамда йўналишини белгилаш Махатма Ганди томонидан ишлаб чиқилган «Наи таълим» («Янгича таълим») принциплари асос бўлган.

Мустақилликдан сўнг 1950 йилда қабул қилинган Конституцияда ҳинд жамоатчилигининг таълимга оид қуйидаги фикри ўз аксини топган эди:

- таълимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги;
- халқ таълими мактабини кенгайтириш;
- профессионал тайёргарликни йўлга қўйиш;
- жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шарти – бепул ўқитиш ва мажбурий таълимни амалга ошириш;
- профессионал таълим системасини ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан хўжалик ривожини тезлаштириш ва мамлакатнинг техникавий ҳамда иқтисодий мустақиллигини таъминлаш.

Шу муносабат билан Конституцияда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни бепул ва мажбурий ўқитишни 10 йил ичида таъминлаш белгилаб қўйилди. Шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг ўқитиш тилини эркин танлашлари ҳам қафолатланди.

Конституциянинг 28-30 моддаларида кичик миллат болаларининг мактабда она тилида билим эгаллаш ҳуқуқи ҳам қайд этилган.

Мустақилликдан сўнг ҳар бир штатда халқ таълими департаменти ташкил топди. Министр ёрдамчиси халқ таълими департаментига бошчилик қилган.

Унга бирон-бир ташкилот қарамоғидаги бир неча техник ўқув муассасаларидан ташқари барча ўқув муассасалари қарашли бўлган. Ҳар бир штат таълим соҳасидаги муаммоларини ўзи ҳал қилган. Масалан: ўқиш муддати, ўқув режаси, ўқитувчининг иш ҳақи ва бошқалар.

Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланғич мактабларда ўқиш муддати турлича бўлган. Мадрасада – 5 йил, Бомбейда – 2 йил, Ориссада – 6 йил, Кашмирда – 5 йил, Дехлида ўғил болалар учун – 4 йил, қизлар учун эса – 5 йил бўлган. Бундай мактабларда асосан 6 ёшдан 10-11 ёшгача бўлган болалар таҳсил олганлар.

Кейинги босқич тўлиқсиз ўрта мактаб муддати 2 йилдан 4 йилгача бўлган. Бундай мактаблар икки хил бўлган: инглиз тили ўқитиладиган мактаб ва инглиз тили ўқитилмайдиган мактаб. Биринчи типдаги мактабларда ўқишни тўлиқ ўрта мактабларда давом эттирадиган болалар таълим олган.

Иккинчи типдаги мактабларни тугатганлар эса тўлиқ ўрта мактабларда ўқиш имкониятларидан маҳрум эдилар. Бундай мактабларда асосан санскрит ва араб тили, қуръон, тиббиёт ўргатилган.

## Исландия.

Қонунга мувофиқ 7-15 ёшдаги барча болалар мактабда таълим олишлари шарт. Фақатгина аҳоли жуда сийрак жойлашган ерларда яшовчи болалар бундан мустасно. Қишлоқ жойларида болалар мактабга ёки автобусда қатнайдилар, ёки махсус қишлоқ мактаблари – паншоларга қатнаб таълим оладилар. Марказлардан анча узоқда жойлашган. Жуғрофий жиҳатдан изоляцияланган ҳудудларда ўқитувчилар бир пансиондан иккинчисига қатнаб ишлайдилар. Бунда улар бир пансионда бир неча ҳафта дарс бергач бошқасига борадилар, сўнгра ундан кейингисига 6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик умумий ўрта таълимдан сўнг болалар 4 йил давомида граматика мактабларида таҳсил олишлари мумкин. Исландия университети Рекьевикда жойлашган. Исландияда педагогик ва иқтисод коллежлари, санъат, ҳунар, фермерлик, уй ҳўжалиги, денгиз инженерияси ва экологик ўргатиладиган махсус таълим муассасалари мавжуд. Мамлакатда Шунингдек ҳуқуқшунослик тиббиёт йуналишдаги таълим муассасалари ва консерватория мавжуд.

### Саволлар.

1. Буюк Британия таълим тизими ва уни ташкил этиш шартларини айтиб беринг.
2. Финландияда таълим тизими ҳақида тушунча беринг.
3. Нидерландияда таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.

## 12 - Мавзу.Яқин шарқ мамалакатлари таълим тизими.( Исроилда таълим)

Исроилда маорифга алоҳида этибор берилган. Улардан ҳам таълим тўғрисида қонун мавжуд. Тўрт ёшдан бола боғчага бориши, мактабда ўқишга тайёр ҳолда келиши керак. Акс ҳолда бири-бирига таъсир қилиши мумкин. Таълим тизими тўрт қисмдан иборат мактабгача таълим тўрт қисмдан иборат. Мактабгача таълим 4-ёшдан 6-ёшгача бўлган болалар боғчага қатнашиши мажбурий ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасасида болалар мактабга таёрланиши билан бирга уларнинг фикрлаш қобилияти, идрок этиш ва нутқ маданияти тарбияланади. Болаларнинг турли хил вазиятда ўзини тута билиш каби малака кўникмалар ривожлантирилади.

Мактаб таълим ўз ўрнида учга бўлинади.

Бошланғич мактаб-(1-6 синф,6-11 ёшлар)

Оралик мактаб-7-9синф12-14ёшлар)

ўрта мактаб-(10-12синф 15-17ёшлар)

Ўрта мактаблар гуманитар ҳамда технологик йўналишдаги мактабларга бўлинади.

3-синфда бола билан психометрик тест ўтказилади. Бунда унинг иқтидори ўрганилади 6-синфда яна шундай тест ўтказилиб, қайси фанга иқтидори борлиги аниқланади, техник ёки гуманитар соҳага йўналтирилади. Масалан: сен яхши врач бўласан деган фикр бола онгига мургаклик пайтиданоқ сингдириб борилади.ўрта махсус таълимга (13-14 синф) техник ва гуманитар йўналишдаги коллежлар киради. Исроилда 18-ёшда ўғил ва қиз болаларнинг армия сафида хизмат қилиши мажбурий бўлиб, йигит ва қизлар асосан армия сафидан кейин ўрта махсус таълим муассасасига ўқишга кирадилар. Бу ўқув юрти биритувчиларига техник ёки кичик инжинер мутахасислиги берилади.

Мактабни ёки ўрта махсус таълим муассасасини тугатганлар академик коллежга(техник коллежда ўқиш 4-йил, гуманитар коллеждаёса ўқиш 3-йил) кириб ўқиши ёки университетда ўқишга кириши мумкин. Университетни муваффақиятли битирганлар магистратурага (2-йил), ундан сўнг доктарантурага (3-йил) кириб ўқиши мумкин.

Исроилда ўқувчилар билимли, қобилиятли тест орқали аниқланади. Булар уч босқичда ўтказилади

1 бошланғич мактабда:

- а) иқтидорли болаларни аниқловчи тест
- б) муамоли болаларни аниқловчи тестлар

2. Мажбурий умум давлат тестлари:

- а) 4-синфда
- б) 9-синфда

### 3. Психометрик тестлар:

а) йўналиши

б) ихтиёрий

в) олий таълим муассасасида ўқишни истовчилар учун.

Мактаб ва ўрта махсус ўқув юрларида ўқувчилар билими куйидагича баҳоланади ва текширилади: дастлаб уй вазифаси (ўтилган ёки янги мавзу бўйича) сўралади.

Мустақил иш ва режали назорат иши алохида баҳоланади. Назорат ишининг бажарилиши ҳам эътибога олинади. Коллоквиум (ораяиқ назорат иши) компютерлаштирилган текширувлар ҳам ўтказилади. Билимни баҳолашда уч йўналишдан фойдаланилади: ортирилган билимни баҳолаш табиий қобилиятни баҳолаш; табиий имкониятларни баҳолаш.

Ўқитувчи ва тарбиячи иш фаолиятининг еттинчи йили малака оширишга мажбурий.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққийетининг пойдевори. -Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. Турк таълим тизими. Хорижда таълим – Т., 44 б.
4. Ўзбекистон – Туркия: Маориф бўйича ҳамкорликнинг илк хужжатлари. Маър. 1992 й., 4 февраль,
5. Жовлиев Б. Таълимда ҳамкорлик дастури самаралари. Ўзбекистон – АҚШ, Маър. 2002 йил 27 март.
6. Махмудов Н., Компьютерни билмаган педагог йўқ. Хорижда таълим. Маър. 2002-13 июль.
7. Усмонов Н., Японияда бола тарбияси . Маър. 2002-13 март
8. Иванова А., Ўзбекистон –Германия таълим соҳасидаги ҳамкорлик. Халқ сўзи. 2002 йил 13 март.
9. Усмонов Н., Германияда касб-хунар таълими. Хорижда таълим. Маър. 2002 йил 13 февраль
10. Эрхонова. Франция буюклигининг мезонлари: Хорижда таълим. Маър. 2002 йил 27 февраль
11. Швеция олий ўқув юртлари: Хорижда таълим. Маър. 2002 йил 23 январь.
12. Салимова Н. Буюк Британия, Финляндия: Хорижда таълим. Маърифат. 2001 йил, 26 декабрь
- Япония таасуротлари: Хорижда таълим. Маър. 2001 24 октябрь
13. Жўраев Ю., «Яшиллик мамлакати» талабалари: Хорижда таълим. Шотландия. Туркистон 2001 йил 10 октябрь.
14. Хайдар Мурод. Франция: таълим тизими. Таълим тарбиянинг ўзаги: талабалар ҳаёти. Туркистон – 2001 8 сент.
15. Усмонова Л., Япония: Бошланғич таълим тизими. Хорижий таълим. Туркистон 2001 йил 25 август.
16. Хакимов М., АҚШда ҳуқуқий таълим тизими: Хорижда таълим: Инсон ва қонун. 2001 йил., 14 август.
17. Рўзиев У, Номозов С., `Корея – илмга талқонлар мамлакати. Жанубий Кореяда таълим ҳақида. Туркистон. 2001 йил 11 август.
18. Турсунова Л., Ўтса ўтадики: Хорижда таълим. Франция. Марказий Осиё. 2001 йил. 10 август.
19. Саидов М., Боқиева Г, Америка Университети ўқув фаолияти ҳақида. Маър. 2000 йил 25 ноябрь.
20. Саъдиев Ж. Икки юрт таълими истиқлол йилларида. Хорижий таълим. Маър. 2000 30 сентябрь
21. Ботиров Б., Хорижлик талабанинг бир куни Данияда талабалар ўқиш жараёнида. Маър. 2000 йил. 20 май.
22. Хўжаева Д., Испанияга қилган сафар. Маър. 2000 йил. 17 май.
23. The The world book encyclopedia 11-jild,372-bet
24. The world book encyclopedia 3-jild 486-487 bet.